

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАСВИРИЙ  
АМАЛИЙ САНЪАТ КАФЕДРАСИ

**Болтабоева Ёркинойнинг**

5141600- БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШ  
КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР  
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН «**Бошланғич синф меҳнат дарсларида  
ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш**» мавзусидаги  
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар:

доц.П.Холматов.

ГУЛИСТОН – 2010

## МУЊДАРИЖА

КИРИШ.....

### **I. БОБ. Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг педагогик асослари.....**

1.1. Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг ҳозирги ҳолати .....

1.2. Қоғоз ва картонни саноатда ва турмушда қўлланилиши.....

### **II. БОБ. Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг шарт-шароитлари.....**

2.1. Бошланғич меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга ўргатиш усуллари.....

2.2. Тажриба–синов ишлари ва уни ўтказиш методикаси.....

ХУЛОСА ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР .....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

## КИРИШ

**Мавзуининг долзарблиги.** Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормокда. Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, мустақил фаолият кўрсатадиган, эркин фикрлайдиган шахсни шакллантиришдир. Шу мақсадда шахсни ҳар томонлама ижтимоий шаклланишини таъминлайдиган замонавий узлуксиз таълим тизими жорий этилди. Узлуксиз таълимнинг моҳияти аниқ мақсад йулида фаолият курсатувчи шахсни шакллантириш борасида амалга оширилувчи ижтимоий-педагогик жараен самарадорлигини таъминлашдан иборат. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар жамиятни янгилашда асосий масала қисобланади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларнинг билим даражасига боғлиқ | 1.2. |

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи, мукамал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар ташкил этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига мувофиқ жамиятда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий модел ўз моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қилади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда белгиланган каби вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдани иборатдир. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилий педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда. | 1 |

Ушбу ўзгаришларнинг маълум қисми мавжуд дидактик ёндашувларнинг таркиби сифатида чиққан бўлса, яна бир қисми дунёдаги таълим тизими ривожланган мамлакатлар олимларининг педагогик тажрибаларига суянган ҳолда пайдо бўлади. Илғор педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Республикаимизда мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда.

Айниқса, бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларнинг ақлий-жисмоний, эстетик тарбияларини шакллантиришда қоғоз ва картон билан ишлашнинг ўрни беқисёсдир. Меҳнат таълимини ўқитиш усуллари технологиялари ҳақида олимларимиздан А. И. Воробьев, К. Давлатов, Р. Мавлонова, Х. Эгамов, И. Чориев, Н. Шодиев, Н. Нишоналиев, М.М.Шумилевич ва бошқалар ўзларининг дарслик ва услубий қўлланмалари билан таниш | 12.13.14.15|. Аммо кейинги пайтларда бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлан умуман ёритилмаяпти. Ушбу муаммони қисқача баён этиш ва мазмуни ёритиш битирув малакавий ишмизнинг долзарблигини ташкил этади. Шу мақсадда БМИ мавзусини

“Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш” деб номладик. Республикамизда ушбу муаммога оид изланишлар, тадқиқотлар олиб борилаётган бўлсада унинг яхлит методикаси, тизими халигача ишлаб чиқилган эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳолатни тузатиш учун жиддий эътибор ажратиш зарурлиги долзарб педагогик муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида» ги конун асосида Ўзбекистонда амал қилинаётган кўп босқичли таълим тизимида жумладан унинг касб-хунар мактабларида янги стандартлар ва дастурлар асосида таълим эскирган методикалар бўйича олиб борилишига йўл қўйиб бўлмайди. Таълим тизими тузилишидаги кенг хамровли ислохотларни Республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустахкамлашлари зарур. Юқорида таъкидланганидек, бунинг учун педагоглارни ўқув жараёнига, ПТ га ўргатиш талаб этилади. | 2|

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг мазмуни, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети:** Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг шакл ва методлари.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.
2. Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг мазмун ва моҳиятини ёритиш.
3. Тажрибасинов ишларини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот методлари:** тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жиҳатдан таҳлил этиш; таълим жараёнини технололгик ёндашув асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мавжуд ҳолатини ўрганиш; педагогик кузатув; суҳбат; анкета сўрови; педагогик тажриба; математикстатистик метод.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:**

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи директивмеъерий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими вазирликлари томонидан қабул қилинган қарорлар, меъерий ҳужжатлар; педагогика, психология ва методика бўйича таълимни янги педагогик технология асосида ташкил этишга оид хорижий тажрибалар, назариялар ва концепциялар, шунингдек, республикамиз олимларининг қарашлари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг мазмун ва моҳиятини ёритилди.

Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг тадқиқот сифатида тадқиқ этилди; Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг педагогик фаолият мазмунини ва методикаси аниқланди; мазкур фаолият самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситалар тизими ишлаб чиқилди; таълим жараёнини ПТ асосида ташкил этиш воситасида таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:** бошланғич - синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар яшашнинг мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилди; таълим жараёнини ПТ асосида ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг мазмуни, методлари, шакл, ва воситалари аниқланди; тадқиқ этилаётган жараённи

самарадорлигини оширишга йўналтирилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:**

Бошланғич синф меҳнат дарсларида рангли қоғоздан нарсалар яшаш технологиясининг янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш омиллари, йўллари, педагогик шартшароитлари кўрсатиб берилди. Тадқиқот ишида илгари сурилган назарий қарашлар таълимтарбия жараёнини мазмунан бойитади, ушбу жараённи такомиллаштиради ҳамда таълимтарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан таълим самарадорлигини ошириш борасидаги адабиётлар, қўлланмалар ҳамда услубий ишланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** меҳнат дарсларида таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш воситасида таълим самарадорлигига эришиш мумкин, агарда:

- Умумтаълим мактабларининг меҳнат таълим дарсларини ташкил этишда янгича ёндашув қарор топса;
- бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар яшаш технологиясининг дидактик имкониятларининг мазмуни, мақбул шакл, метод ва воситалар тизими асосланса;
- Меҳнат таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш жараёнида фанлараро алоқадорликнинг таъминланига эришилса;
- бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар яшаш жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни амалиётга татбиқ этилишига эришилса.
- таълим жараёнини технологик ёндашувга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

**Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши:** БМИ кириш, 2 боб, 4 параграф, тажрибасинов ишлари, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат.

# **I. БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ МЕХНАТ ДАРСЛАРИДА РАНГЛИ ҚОҒОЗ ДАН НАРСАЛАР ЯСАШГА ЎРГАТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.**

## **1.1. Бошланғич синф меҳнат дарсларида рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг ҳозирги ҳолати .**

Истиклолимизнинг бугунги одимлари асрларга татигулик улкан ўзгаришлар, тарихий воқеалар ва маънавий кашфиётларга бой бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида содир бўлаётган ислохотлар шахс тафаккури, маънавий-маданий савияси ва касбкорлик фаолияти билан боғлиқ равишда амалга оширилмоқда. Шу маънода “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг қабул қилиниши таълим тизими, унинг бош ислохотчиси - ўқитувчи олдиға янги вазифалар юклади. Чунки, таълимнинг мазмуни шунчаки ўқитиш, билим беришдан иборат эмас. Таълим мазмуни шахс онгининг шаклланиши, тарбияси, маънавияти ва унинг ижодкорлигини замон руҳи билан ҳамоҳанг бўлишиға йўналтириш ҳамда ўз касбининг фидоийси бўлиб хизмат қилувчи етук кадрларни тайёрлашға қаратилган бўлиши лозим.

Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида «Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда” - деб, алоҳида уқтириб ўтади.

Таълим – тарбия тизимини тубдан ислоқ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тузилишини барпо этиш келажак учун баркамол салоҳиятли авлодни тайёрлаш мақсадида; «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни ҳаётға тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб хисобланмоқда. Шу асосда такомиллашган давлат таълим стандартларини

ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини яратиш, илмий услубий мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва шу асосида бошланғич синфларга меҳнат тарбиясини бериш вазифалари белгиланган. | 3|

Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди». Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим. Республикамизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интилоқдалар. Ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг зарурлиги шундаки:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги.

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг жадал кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги.

Тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Педагогик технологиялар оқими деярли барча ривожланган мамлакатларда тез тарқалди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этилди.

Таълим технологиясининг предмети таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларини қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришдан, таълим модулини танлашдан уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача бўлган тизимни лойиҳалаштиришдан таркиб топган.

Педагогик технология педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатилган тизимли таъсир натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларнинг пайдо бўлишини интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин.

Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараённи бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш. Таълим жараёнини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган элементларнинг барчаси муҳимдир. Улардан бирортаси четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди. Демак, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга эришилмайди.

Таълим мақсадларини бошқача тарзда ўқув мақсадлари, деб ҳам аташади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни охирида кутилаётган натижанинг ёзма тавсифидан иборат. Маълумки, жонли таълим жараёнида икки томон: таълим олувчи ва таълим берувчи иштирок этади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни иштирокчиларнинг қайси бир томонидан қаралишига қараб ўрганиш ва ўргатиш мақсадларга ажратилади. Таълим жараёни натижасида, таълим берувчи, яъни ўрганувчининг нимага эришгани муҳим бўлгани учун келгусида ўқув мақсадлари деганда, ўрганиш мақсадларини тушунамиз.

Бошқача қилиб айтганда, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Уни тўғри танлаш таълим жараёни учун ўта муҳимдир.

Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган, хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни ифодалайди.

Демак, таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим самарадорлигини таъминловчи, таълим олувчиларнинг фаолликларини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги ахборотлашган жамият давр билан ҳамнафас тарзда таълимни технологиялаштирилган кўринишларда ташкил этишни тақозо этади.

Одамлар асрлар давомида ўз хотираларини суякка, тошга, хайвонлар терисига битик қилиб келди. Фикрларнинг илк шакли муйян шартли белгилар билан ифодалангандир. Дастлабки китоблар қоялар бўлиб, ибтидоий одамлар ўнга овчилик куроля-роқлари, ўрмон ва сахрода яшовчи хайвонларнинг расмларини ўйиб ишлаганлар. Ёзувнинг дастлабки системаси пиктография дейилади. «Пиктос» грекча, расм демакдир. Бироқ айтиб кетилган бир расмнинг ўзи турли ходисаларни баён қилиши мумкин. Кейинчалик одамлар ёзувни амалда қўллашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Дажла ва Фрот водийларида лой кўп бўлиб, одамлар илк сақифани лой пластинкадан тайёрлаб, унинг юмшоқ сатҳига учи ўткирланган камиш билан узайтирилган учбурчак шаклидаги белгиларни қўйган. Ёзувнинг бу усули миҳхат деб аталган. Белгилар билан тўлган тахтачалар хумдонларда пиширилиб ясси ёшиқ саҳифалар пайдо бўлган, улардан сопол китоблар тузилган, албатта, уларнинг саҳифалари бирлаштирилмаган яшиқларга жойланган. Осурия подшоҳи Ашурбанипал, эрамиздан олдинги VII асрда ўз пойтахтида сопол китобларнинг катта кутубхонасини ташкил этган бўлиб, бу китоб намуналари бизгача етиб келган.

Қадим Ҳиндистонда ёзувлар пальма баргларида битилган. Пальма япроқларини қуритиб, улардан эскиз пластинкалар қирқиб олиниб кейин туш билан ёзилган, бу пластинкалар сўнг бирбирига мустаҳкамланиб, жилди яхши силлиқланган тахтачалардан қилинган, устига безак берилиб китоб холига келтирилган. | 17|

Новгород руслари қайин пўстларида ёзишган. Белгилар суяк стержень билан тешиги юкорига қилиб қўйилган, ундан чизимча ўтказилиб стержень ҳатто белбоғга осиб юрилган, Бундай китоблар бизгача етиб келган бўлиб, кутубхоналарда сақланмоқда.

Қадимий греклар мум китобларни ихтиро қилишган, бу яхши текисланган тахтача ўртасидан квадрат қийилган бўлиб, у сариқ ёки қора мум билан тўлдирилган. Ёзувда эса пўлат чўпдан фойдаланилган. Бир учи ўткир

пўлат чўп билан ёзишган бўлса, иккинчи думалоқ учи билан ёзилган нарсани ўчиришган.

Бир бири билан бириктирилган тахтачалардан китоблар ясалган, китоб жадвал ёки саҳифаларнинг қулайлиги шундаки, улардан узоқ муддат бемалол фойдаланиш, ёзувни ўчириш ва қайта ёзиш жуда осон бўлган.

Мисрликлар ёзиш материалларини нилдан олганлар. Нил водийси ботқоқликларида ҳамишга ўхшаш ўсимликлар мўл бўлиб, қадим Рим халқи уларни папирус деб атаганлар. Силлиқ, пояси баргсиз бу ўсимликнинг буйи 4 метрга етарди.

Ёзув қуроли учун поя барглардан тозаланиб, унинг ўртасидаги юмшоқ ғовак ўзак олинарди. Ундан узун юпқа пластинкалар қирқилиб тик холда тахланарди, сўнгра хўл барг ёпиштирилиб, прессланарди, улар қурнғач сирти пемза билан сайқалланарди. Папирус синувчан бўлиб, уни тиклаш мумкин эмасди, шунинг учун мисрликлар уларни бирбирига елимлаб ўраганлар. Булардан қилинган энг катта китоб Британия музейи кутубхонасида сақланади. Бир неча минг йиллар давомида папирус ягона ёзув материали бўлиб келган унда асосан мисрликлар, греклар, римликлар фойдаланиб келганлар. Папирус ўрамлари цилиндрсимон қутиларга солиниб, кутубхоналар токчаларида сақланган. | 17|

Фергамент китоб тахминан эрамининг III асрда Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар Пирамида пайдо бўлган. У ҳайвонлар терисидан тайёрланган, бу анчагина мураккаб ва кўп меҳнат билан бажарилган. Тери махсус эритмада намланган, чўзилган, қуритилган, кейин қирилган, сайқал берилган ва текисланган. Бир китоб учун бутун бир пода мол сўйилган. Тери китоб папирусга нисбатан бир неча афзалликларга эга бўлиб, унинг иккала томонида бемалол ёзиш мумкин, бундан ташқари олдинги ёзилган текстни ўчириб ва янгисини ёзиш мумкин бўлган. Фергаментдан ҳозирги кунда ҳам айрим китоблар тайёрланади. Бир неча дафтардан иборат китобни римликлар кодекс деб аташган, Тайёрлаш жараёнининг мураккаблиги, материалнинг қимматлиги учун пергамент унчалик кенг тарқалмаган.

Эрамиздан V аср муқаддам Узоқ Шарқ мамлакатларида шойига ёзиш расм бўлган. Бу кам қимматбаҳо материал бўлиб, маданият ривожлана борган сайин ёзиш учун арзон материалга талаб орта борган. Олимлар қоғозни биринчи марта ипак намати тайёрланаётган вақтда пайдо булган деб тахмин қиладилар. Бамбукдан қоғоз тайёрлаган устанинг номи бизга номаълум. Бамбук тозалаб, майдалаб қирқилиб бир неча кун оҳакка бўктириб пиширилган, кейин совитилиб, уни майдалаб епишдоқ бутқасимон масса пайдо бугўнга қадар сув қушиб аралаштирилган. Бу бўтқасимон масса махсус қовузга ботирилиб, тезда қайтиб олинган, тўрсимон тортилган иплар устида юпка қатлам ҳосил бўлади. Сўнгра улар пресс остига қуйилиб суви сиқиб чқарилгандан кейин долган юпка қоғоз варағи иссиқ печда қуритилган. Қоғозни турда чўкинди қолдириш усулида тайёрлаш ҳозирги кундаги қоғоз тайёрлаш жараёни асосида ҳам бор. | 6 |

Анчагина пишиқ, арзон хом ашёдан тайёрланадиган қоғоз барча мамлакатларда кенг қўллана бошланди.

Бироқ қоғозни тайёрлашнинг бу жараёни жуда унумсиз эди, қоғозга талаб эса борган сари ортарди. Кейинчалик хом ашёни майдалашда ўғир ўрнига тегиримон тошидан фойдаланила бошланди, шунинг учун ҳам Қоғоз тайёрлайдиган корхоналар % Қоғоз тегирмонлари деб атала бошланди.

Европада XV асрда китоб босиб кашф этилиши билан Қоғозга талаб янада ортиб, мавжуд ишлаб чиқариш бу талабни қондиришга ожизлик қиларди.

XVII асрда Голландияда роль кашф этилди, унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги анчагина юқори эди. Роль тўсиқ\_ билан ажратилган овал шаклидаги ванна эди. Ваннанинг бир қисмида пичоқли барабан, унинг тагида эса пичоқлардан қилинган планка жойлаштирилганди. Ваннага латтапутта солиб, устидан сув қуйса барабан айланиб, сувни узлуксиз ҳаракатга келтириб пичоқлари билан латтани майдалаб қоғоз массасини ҳосил қилган. Бироқ қуйиш ишлари кўлда бажарилган. Қоғоз тайёрлашда XVIII аср француз Никола Луи Робер кашф этган самочерка — биринчи қоғоз

машинаси инқилоб. Бу машина валикка ўрнатилган мис тўр бўлиб, қоғоз массали чан остида тўхтовсиз айланиб турган. Чандаги қоғоз сузиб олувчи рилдирак ёрдамида мис турга солинган, натижада сув оқиб кетиб, турда толаларнинг юпка роллами қолган. Турнинг горизонтал қисмининг охирида валик бўлиб, қоғоз лентага ўралган. Тайёр қоғоз лента валикдан олиниб қуритилган. | 10|

XIX асрда саксониялик тўқувчи Келлер биринчи бўлиб, қоғоз тайёрлашда энг арзон хом ашё — ёғочни майдалаш усулини топди. Ёғочни майдалашда у доимо қўллаб туриладиган чарх топишдан фойдаланди. 1844 йилда ёғоч массасини майдалайдиган машина—дефибрерни қурди. Ёғочдан қилинган қоғознинг латтадан қилинган қоғозга нисбатан пишиқлиги камроқ бўлиб ёруғлик таъсирида хиралашарди. Ёғоч массадан целлюлозани ажратишга фақат 1857 йилда инглиз химиги Ф. Хаутан муваффақ бўлди.

У ёғоч массасига қайноқ каустик сода эритмаси билан ишлов берди. Қоғоз массаси ёғоч целлюлоза ва тўлдиргичлар (бур, бўёқ моддалари, елим)дан иборатдир. Целлюлоза қанчалик кўп бўлса, қоғознинг сифатн шунча говори бўлар эди.

Қоғоз ишлаб чиқариш хом ашёси қоғоз ишлаб чиқаришда ёғоч, похол (сомон) ип, газлама, эски ишлатилган қоғоз (макулатура) хом ашё ҳисобланади.

Ип, газламадан асосан қоғознинг қимматбаҳо ва махсус навларини ишлаб чиқаришда\_ фондаланилади. Похолдан картон, ўрам қоғозлари тайёрланади. Макулатура турли налдаги қоғозларни тайёрлашда яхши хом ашё ҳисобланади. Похол ва асосан ёғочдан қоғоз ишлаб чиқаришнинг асосий хом ашёси булган целлюлоза тайёрланади.

Қоғоз тайёрлашнинг технологик жараёни. қоғоз ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараён бўлиб, унда турли хом ашё ва химикатлар ишлатилади. Целлюлоза қоғоз комбината турли корхоналар комплекси бўлиб, у ёғоч омбори, қоғоз фабрикаси, смола ва ёғоч заводини ўз ичига олади. Қоғоз смола комбинатлари дарё ва гуллар қиргоғига қурилди, чунки

қоғоз ишлаб чиқаришда сув кўп талаб қилинади, бундан ташқари ёғочни оқизиш ҳам қулайдир. Комбинатга келган рулалар узунлиги 1 метр 20 см ёки 1 метру 25 см қилиб кам қилади, улар баланс деб аталиб пўстлоқ қилувчи аппаратларга ўтади. Улар чанли сувда айланиб туради. Барабан айланар экан, балансларни қобиғига ва бирбирига ишқаланишга мажбур қилади. Шу йўсинда улар пўстдан ажралади ва пўстлар қобиклари оралиғидан ўтиб кетади.

Таркибида клетчатка фоизи кўп бўлган қорақарағай целлюлоза тайёрлашда "энг яхши хом ашё ҳисобланади. Баланслар майдалаш машиналарида пайрариқларга айлантирилади, улар махсус машиналарда сараланиб қайнатиш қозони тепасидаги бункерга узатитади, бу ерга пиширадиган кислота ва бўр келиб тура;: Кислота одатда олтингугурт колчеданидан тайёрланади. Пайраха қозонда 7 — 10 соат давомида 135 — 150° ҳароратда қайнатилади. Шундан сўнг масса таги тўрсимон ҳовузга чиқарилади, у ерда сув оқими билан турли аралашма қуйкалардан тозаланади. Шундан сўнг махсус машиналарда йирик зарралари ажратиб олиниб, суюлтирилади ва ҳовузларда сақланади. Целлюлозани жўнатиш қулай бўлиши учун у прессланади, қуритилади ва листлист қилиб қирқилиб, упаковка қилинади.

Балансларнинг иккинчи қисми ёғоч заводида майдаловчи машиналар — дефибраларда айланувчи думалоқ тошлар ёрдамида майдаланади. Шундан сўнг таркибида тола бўлган бўтқасимон масса, пайраха туткичдан утиб, майдаланмаган қисмлар уша ерда қолади. Марказидан қочирма навларига ажратишда массадан йириқ майдаланмаган зарралар ажратиб олинади ва ёғоч массаси махсус сақланадиган ҳовузга ўтади, қоғознинг нави таркибидаги целлюлоза ва ёғоч массасига боғлиқ булади.

Қоғоз массаси янада ингичкароқ толаларга ажратиш учун махсус аппаратдан такрор ўтказилади. Майдалаш баъзан бир суткадан ортиқ давом этади, тола қанчалик ингичка бўлса, улар бирбирига шунчалик яхши бирикади, демак қоғознинг нави ҳам, сифати ҳам юқори бўлади. Массага

турли химиявий моддалар билан ишлов берилади, ранг учун қалин (оқ лой) турли бубвчи моддалар, пишиқроқ бўлсин учун канифоль елими қушилади. ҳар бир қоғоз нави уз тайёрланиш рецептига эгадир. Тайёр қоғоз массаси қувурлар орқали аралаштириладиган қовузга ўтади, йулиулакай у керакли даражада амалга оширилади: масса яна майдаланади ва керакли моддалар қушилади ҳамда у қоғоз (қилувчи машинага қтказилади. Бундай машина эни 6—8 м, узунлиги 100—120 м булган каттагина конвейердир, бундай машиналар суткасига 400 т Қоғоз чиқаради. Жуда майда тешикли охири йўк металл тур валикларда минутига 500 м тезликда ҳаракат қилади. Қоғоз масса металл турга узлуксиз тушиб, у билан бирга ҳаракатда бўлади. Тур устида аппаратларнинг бутун бир системаси бўлиб, улар сиқилган ҳаво оқими ёрдамида қоғоз массасидаги сувни сиқиб олади. Нам қоғоз массаси сукно устига ўтади. Сукно қоғозни икки валик опасига олиб киради. Бир қатор пресслардан сўнг қоғоз толаси қайноқ вдиувчи цилиндрларга ёпишиб утади. қоғозни силлиғлаш учун у совуқ мис цилиндрлари ва чўян валлар орқали ўтказилиб полга туширилади, машинанинг бу қисми глезер дейилади. Сўнгги босқич қоғозни рулонларга ўраш ва истеъмолчиларга жўнатишдир.

Қоғоз ва картоннинг саноат ва турмушда қўлланиши. Қоғозга китоб ва газеталар босилади, ундан ёзишда фойдаланилади. Ҳозирги кунда қоғознинг хилмаҳил навлари ишлаб чиқилиб, ундан фақат турмушда эмас, балки саноатда ҳам фойдаланилмоқда.

Фан ва маданият беқиёс ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган қоғознинг ярмидан кўпроғи босиладиган газета ва ёзиладиган қоғозлардир. Қоғозлар турли товарларни (озиқ-овкат маҳсулотлари, яшиқлар, упаковка қоплари) упаковка қилиш ва ўраш учун ҳам сарфланмоқда.

Техникада қоғознинг маҳсус нави ва картондан кенг фойдаланилади. Телеграф лентаси, фотосурат қоғоз, злектр ўтказмайдиган қоғоз шулар жумласидандир. Қоғоз массаси ва асбест аралашмасидан асбестли ўтга чидамли картон, гипс билан аралашмасидан эса қурук штуркатурка листлари тайёрланади.

Оддий қоғоз сувда намланади ва осон йиртилади, ундан тайёрланган фибра — жуда пишиқ ва енгил матеиал бўлиб, ундан ғилофлар, чамадонлар ва шу кабиларни қилишда фойдаланилади. Қоғоз массасидан турли уйинчоклар, хоналар безаклари, махсус модда сингдирилган, нам ўтказмайдиган қоғоздан сут мақсулотлари учун тара, музқаймоқ стаканларини тайерлашда фойдаланилади.

Ҳар йили қоғознинг энг янги навлари яратилмоқда. Махсус электрохимик қоғознинг кашф этилиши туфайли ойнанинг орқа томонини суратга туширишга муваффақ бўлинди.

Қоғоз ва картоннинг классификацияси. Қоғоз ва картон фақат полиграфия саноатидагина эмас, балки халқ хўжалигипинг ҳамма тармоқларида ҳам кенг қўлланилади. Целлюлоза қоғоз саноати қоғоз ва картоннинг икки юзга яқин турини ишлаб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилганидек техникада қоғознинг телеграф ва магнитланган магнитофон ленталари, фото сезгир қоғозлар, электр ўтказмайдиган қоғозлар, нам ўтказмайдиган фибра ва шу каби хилмахил турларидан кенг фойдаланилади. Кооздан қурилишда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, қоғоздан ғишт, тўсиқлар учун плиталар тайёрланади.

Қоғозга китоблар, газеталар босилишини, ўнга ручка, калам билан ёзилишини барча ўқувчилар яхши биладилар. Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчиси болаларнинг кўпроқ эътиборини болалар қоғознинг турмушда тез-тез учратадиган ёки қўл меҳнати дарсларидаги фойдаланадиган турларига жалб қилиши лозим.

1. Газета қоғоз- энг арзон ва кўп тарқалган қоғоз туридир. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни ва елимни яхши сингдиради.

2. Ёзув қоғоз— сатхи силлик, елим сингдирилган, намликни камроқ сингдиради. Нарсаларни конструкциялаш, муқовалаш, картондан ясалган нарсаларни елимлашда жуда қулай.

3. Чизмачилик қоғоз — энг пишиқ ва қалин қоғоз. Латтадан тайёрланади, унинг олий нави қўлда қуйилади. Ундан карнавал маскалари, лито ва шу кабиларни ясашда фойдаланилади.

4. Расм Қоғоз — 2 номерли бўлиб, тўлиқ целлюлозадан тайёрланади, олий навига 25 % латта қўшилади. Қўл меҳнати дарсларида, шунингдек чизмалар чизишда фойдаланилади.

5. Рангли ва жилоли қоғоз меҳнат дарсларида кенг қўлланиб, аппликация, муковалаш ишларида фойдаланилади. Турли наборларда чиқарилади.

6. Елимланган қоғоз—жило берилган қоғоз бўлиб, бир томонига елим суртилган қўл меҳнати дарслари учун жуда қулай.

7. Рангли жилд Қоғоз — турли рангларда буялган, жило берилган рангли қоғознинг ўрнини босиб, қўл меҳнат дарсларида кенг қўлланилади.

8. Шагренъ нақшдор Қоғоз- муковасозликда ва тайер нарсаларнинг устидан ёпиштиришда, арча ўйинчотқларини ясашда фойдаланилади.

9. Гул қоғознинг ранги ва гули турлича бўлиб муковалаш, нарсаларнинг устидан елимлаш, безаш ишларида кенг фойдаланилади.

10. Калька Қоғозга -шаффофлик бериш учун мум ва мой сингдирилади. Яхши, сифатли калька қоғознинг хатто тозаланган жойида ҳам тушъ ёйилиб кетмаслиги керак Калька қоғоз театрларда арча ўйинчотқлари ясаш, сахнани безаш, расмларни қайта тушириш ишларида ишлатилади.

Миллиметрли қоғоз — сатхи босма тўр шаклида тайёрланади.

Фильтр қоғоз — елимланмаган қоғоздир.

Картон қоғоз деб- 1 кв. м 250 граммдан ортиқ бўлган қоғозга айтилади. Оқ картон — уни қирқиш осон, ўзи унчалик пишиқ эмас, тез синади. Бу картон елимни кўп шимади, кўпинча елимдан шишади ҳам. Унда майда нарсаларни муковалашда фойдаланиш мумкин.

Сариқ картон -оқ картондан кўра пишиқроқ, эгилувчан, яхши киркилади. Елимдан шишмайди. Турли ишларда фойдаланилади.

Кул ранг картон — оқ ва сарик картондан пишиқроқ, қирқиш қийин. Пичок картон массасидаги қумдан тез ўтмаслашади. Картоннинг бу навидан ўта пишиқликни талаб қилувчи нарсалар тайёрланади.

Рангли картон — юпқа эгиловчан, сатқи турли рангда жило берилган, ишлов бериш осон ва кўриниши чиройли. Ундан хажми кичик нарсалар, папкалар, муковалар тайёрлаш маъкул. Унинг устидан бошқа нарса ёпиштиришга ҳожат йук.

Қоғозни стандартлаш. Саноатда стандартлаш катта аҳамиятга эгадир. Стандарт деганда махсулотнинг маълум сифатини, у ёки бу буюмнинг маълум ўлчамлари белгиланишини тушунилади. Қоғоз саноатида ҳам

қоғознинг ўлчами ва навлари стандартлашгандир. Ёзув қоғоз сотувга 250 ва 500 варақдан қилиб упаковка қилинган холда чиқарилади, у катан ёки бир чизик қилиб чизилган ёки умуман чизилмаган бўлади. Бир чизик ёки катак қилиб чизилган қоғозлардан маълум ўлчамга ва маълум вараққа эга бўлган дафтарлар чиқарилади.

Ёзув қоғоз бир-биридан таркибидаги қоғоз массаси, қалинлиги, оғирлиги ва бошқа хусусиятларига кўра фарқланувчи тўрт навда чиқарилади.

Ёзув қоғознинг олий нави 0, қолганлари мувофиқ тарзда 1, 2, 3, номерларига эгадир.

Қоғоз ва картоннинг асосий хусусиятлари. Куруқ холдаги қоғоз нисбатан пишиқ материалдир. қоғоз навиға кўра сувда ивийди, юмшоклашади, пишиқлиги йуқолади. қоғоз яхши тахланади, агарда букланган жой яхшилаб силлиқланган бўлса, қоғоз шу шаклни сақлаб, олдинги ҳолиға қийинлик билан қайтади, бунда букланишдан ҳосил бўлган чизиклар сақланиб қолади. Сув, клейстер, суюқ елимға намланганда у чузилади, Қуритилганда киришади, қоғоз узунасига қараганда кўндалангига кўпроқ чўзилади.

Қоғоз тайёрлашда кўпгина миқдордаги толалар узунасига жойлашади, шунинг учун ҳам қоғоз кўпроқ кенгаяди кўндаланг йуналишда ўралади,

Қоғоз осон тортилади, энига нисбатан бўйига яхшилаб букланган жойдан осонроқ йиртилади. қоғоз яхши ёнади. Уни фақат елим билан эмас, балки клейстер билан ҳам ёпиштириш мумкин. қоғозни пичоқ қайчида осонлик билан қирқиш мумкин.

Қоғоз силлиқлигига махсус ишлов бериш — қоғоз массасини қайноқ цилиндрсимои валлар орқали ўтказиш ёки уни елим ва лакли бўёк билан коплаш билан эришилади.

Қоғознинг айрим навлари сиёх билан ёзишга яроқли, бўёқ учун яроқсиз бўлади.

Қоғознинг бу хусусиятларига ўнга махсус канифоль желатин, елим, глинозем бериш орқали эришилади. Ёзув қоғозга елим сингдирилган бўлиб, сиёх ёйилиб кетмайди, газета қоғои эса босмахона бўёғининг чуқур ботмаслигига мосланган бўлиб, сиёх унда ёйилиб кетади. Қоғознинг махсус ишлов берилган навларидан бошқалари ҳаво ва сувни ўтказиши.

Ушлаганда каттик, эгилмайдиган курунган картон нам текканда шишади, юмшаб ёки бўшашиб, чидамсиз бўлиб қолади. Картон навига кўра эгилувчан ва синувчан булади.

Бир томонига қоғоз ёпиштирилган картон қоғоз ёпиштирилган томонига қайишади. Картон узунасига ҳам, кўндалангига ўам бир хил кесилади. Уни йиртиш қийин. Картон ёнади. Аммо қийинлик билан махсус эритма сингдирилган картонлар ёнмайди.

Қоғозни бўяш усуллари. Кўпинча кўл меҳнати дарсларида ишни бажариш учун керак булган рангдаги қоғоз топилмай қолади. Тайёрланадиган нарсанинг чиройли чиқиши эса танланган рангга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчи қоғозни бўяш малакасини мукамал эгаллаган бўлиши ва уни ўқувчиларига ўргатиши лозим.

Қоғозни бўяшда қуйидаги бўёқ ва мосламалардан фойдаланилади.

Акварель бўёқ лар — сувда эритилади, тубиқлардагн акварель бўёқ лардан фойдаланиш жуда қулай.

Анилин бўёк лар билан газлама, қоғоз, картон яхши бўялади. Бу бўёк порошок ҳолда сотилиб иссиқ сувда осон эрийди. Мойбўёк ларнинг тайёр аралаштирилганини олиш лозим. Қуюк пастасимонидан фойдаланнш мумкин, улар алифмой билан суюлтирилади.

Қуюк бўёк ларнинг энг яхшилари тоза, очик рангдагилари бадий бўёк лар дейилиб тубикларда сотилади. Бўёк танлашда фақат уларнинг рангигагина эмас, балки хусусиятларига ҳам эътибор бериш керак.

Қизил бўёк лардан, — темирли сурикни, белилани, рухлисини, сарик рангдан, рухли кронни, яшилини, хром оксидини, кўкиш ультрамаринни олиш керак.

Мой бўёклар секин қурийди, уларнинг қуришини тезлатиш учун 100 г бўёк қа 2 г атрофида махсус сикатив эритмаси қуйилади. Агарда бўялган сатх хаддан ташқари ялтироқ бўлмаслиги талаб қилинса, бўёк қа озгина скипидар аралаштирилади. Мойбўёк лар оғзи зич ёпиладиган тунока банкаларда сақланади. Мойбўёк қуриб қолмаслиги учун унинг устига алифмой ёки сув қуйиб қуйилади.

Елимли бўёк ёки гуашда картон яхши бўялади, бироқ бу бўёклар қуёш нурида тезда аннийди.

Папирос қоғоз ва оддий ёзув қоғозни бўяш осон. Қоғозни бўяш учун тоғорачада анилин бўёғи керакли рангда ва оттенкада эритилади, бунда бўёк қуриганда ранги очикроқ бўлишини ҳисобга олиш керак. Тайёрланган бўёк ва қоғозни бир четидан ушлаб туриб ботириб олинади, сўнгра уни қисқичлар ёрдамида қуриштириш учун осиб қўйилади, у бир оз қуригач, чап томонидан илиқ дазмол босилади.

Қоғозни бўяшнинг иккинчи усулида қоғозга суяқлаштирилиб бўёк аралаштирилган сирач сурилади. Сирач юқорида айтиб ўтилган рецепт бўйича тайёрланиб, ўнга сувда эритилган гуашь (акварель, анилин) бўёғи қўшилиб яхшилаб аралаштирилади ва уни қоғознинг устига муйқалам билан сурилади. қоғоз газета қопланган тахтага кнопкалар билан мустаҳкамланган бўлиб, уни аввал ўртасидан бир четига, сўнгра иккинчи четига қараб

бўялади. Рангли сирач копланган қоғозга турли расмларни тушириш мумкин. Бўялган қоғоз қуригач ўнга очик спирт лаки берилади ёки мумланган сукно билан сайқал берилади.

Қоғозни «сачратиб» бўяш ҳам мумкин. Бунинг учун акварель бўёқ суюлтирилади ва ўнга тиш чўткасини ботириб олинади. Қоғозни устида чап қўлда эски тароқ ёки майда металл турни ушлаб туриб унинг устидан бўёқ ботирилган тиш чўткаси юргизилади, Натижада қоғознинг устини бўёқ майда хол тарзида қоплайди. Бўяшни турлича амалга ошириш мумкин, яъни аввал бир рангни, кейин иккинчи рангни сачратиш мумкин. {қоғознинг устига силуэт қуйиб, бўёқ сачратилса, силуэт олинганда Қоғоз устида оппоқ расм ҳолати, агарда трафарет қуйилса ок қоғозга рангли расм пайдо бўлади. Бўяшнинг бу усулида пульверизатордан фойдаланиш мумкин.

Мойбўёқ билан бўяш. (Мойбўёқ билан бўяш бир тонли ва мрамсимон бўлиши мумкин.) ҳар иккала ҳолатда ҳам бўёқ бир хил тайёрланади. Мойбўёқ керосин билан қаймоқ даражасигача суюлтирилиб, бўяш амалга ошириладиган идишдаги сувга қуйилади. Бир тонли бўяшда бир хил рангдаги бўёқ дан фойдаланилади. Сув устига қуйилган бўёқ таёқча билан оҳиста аралаштирилади, бунда бўёқ сув устида юпқа рангли қатлам (плёнка) ҳосил қилиши керак қоғоз ана шу қатлам устига оҳиста қуйиб олинади. Қоғоз қуритилгач дазмолланиб, сўнгра ўнга рангсиз спиртли лак суртилади. Агар қоғоз мрамсимон рангга бўяладиган бўлса, идишдаги сувга бир неча хил бўёқ солиниб, оҳиста аралаштирилади.

Шаффоф рангдаги, қоғозни тайёрлаш учун оддий ёзув қоғознинг ҳар иккала томонини керосин (ўсимлик мойи ёки бошқа ёғлар)га ботириб ундаги ортиқча ёғлар қуруқ тампон билан артиб олинади. Қоғоз мойни кўп шимиб олмаслиги учун уни газета ёки ўрашга мўлжалланган қоғоз ўртасига қуйиб унинг устидан илиқ дазмол юритилади. Бундай қоғоз кўл меҳнати дарсларида кальканинг ўрнини бемалол боса олади.

Мураккаб уйинчоқларни ясашда қоғозга тез ёнишдан сақловчи модда сингдирилади.

Сувга чидамли қоғозни эритилган иссиқ мум ёки мумнинг парафин билан аралашмасини сингдириш орқали олинади. Мактаб практикасида сув тегирмонининг парраклари, қайиқчаларга худди шундай ишлов берилади.

«Тилла» ва кумуш қоғозларни тайёрлаш учун алюмини или ва тилларанг бронза кукунларидан фойдаланилади. Эритувчи тинктура одатда кукун билан бирга сотилади. Металл кукунларини рангсиз спирт лакида ҳам аралаштириш мумкин. лак бўяш керак бўлса, металл кукунни крахмал сарачда ёки декстринли елимда эритилиб қоғозни бўягандек бўялади. Бироқ бу бўёк унчалик пишнк чиқмайди.

Қоғозни бўяшда, бўялаётган қоғоз тагига газетани бир неча қават қилиб солиш керак. Улар кнопка билан столга маҳкамлаб қўйилади. Бўялган қоғозга мум ёки лак билан сайқал берилади. Мехнат

таълими вазифаларн ҳақида гапирилганда, ўқувчиларда меҳнатсеварлик, маъсулият, интизомлилик, бурч ҳисси, жамоатчилик ҳиссии тарбиялашни тилга олмаслик мумкин эмас. Шу билан биргаликда меҳнат одамлар тирикчилигининг моддий ва маънавий таъминотининг

воситаси, жамият тараккиётининг энг муҳим омилдир. Болаларни аклий ўстиришда ҳам меҳнат таълимининг роли кўп қирралидир. Меҳнат ўқувчиларнинг билим олишига интилишларини кўзғалувчи воситагина эмас, балки уннг манбаи хамдир. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни аклий ўстиришда жисмоний ва аклий меҳнатни алмаштириб туриш муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ ҳар қандай меҳнат хам аклий ўсишга ёрдам бермаслигини унутмаслигимиз керак.

Меҳнат энг муҳим ирода ва ахлокий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Меҳнат таълимида меҳнатга психологик тайёргарлик, меҳнат фаолиятининг тўғри мотивлари тарбияланади, шахснинг ҳар бир онгли меҳкаткаш учун зарур бўлган сифатлари шаклланади.

Дарсларннинг жиҳозланганлиги ўз меҳнати учун шахсий маъсулиятни, меҳнат маданиятини тарбиялашда катга аҳамиятга эгадир.

## **1.2. Қоғоз ва картонни саноатда ва турмушда қўлланилиши.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг дастлабки даврлариданоқ миллий маънавиятимиз асосида Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бош мақсад этиб белгиланди. Ушбу мақсадга эришишда асосий эътибор ёш авлодни баркамол, маънавий ва жисмоний соғлом, юқори малакали касб эгаси қилиб тарбиялашга қаратилганлиги миллий анъаналаримиз ва менталитетимизнинг ўзига хос ифодаланишидир. Касбий билим ва кўникмаларнинг дарс жараёнида ўқувчиларда муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш учун Президентимиз И.А.Каримов томонидан таклиф этилган ва республикада изчил амалга ошириб борилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугунги кунда жаҳон миқёсида эътироф этилди ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Талабаларга билим беришнинг асосий шакли дарсдир. Бугунги дарс ўқувчида ижодий қобилиятни ўстириш, ақлий салоҳиятни кенгайтириш, илмий дунёқарашни таркиб топтириш ва ҳар бир янгиликни тўғри қабул қила олишни ўргатиши керак. Шундай экан, дарсда ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари илмий асосда ташкил этилиши, ўқув мақсадларини амалга ошириш учун метод ва воситаларни тўғри танлай олиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги дарсда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ижодий изланишга йўналтиришдан иборатдир.

Қоғоз ва картоннинг саноат ва турмушда қўлланилиши. Қоғозга китоб ва газеталар босилади, ундан ёзишда фойдаланилади. Ҳозирги кунда қоғознинг хилма-хил навлари ишлаб чиқилиб, ундан фақат турмушда эмас, балки саноатда ҳам фойдаланилмоқда.

Фан ва маданият беқиёс ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган қоғознинг ярмидан кўпроғи босиладиган газета ва ёзиладиган қоғозлардир. Қоғозлар турли товарларни (озик-овкат маҳсулотлари, яшиқлар, упаковка коплари) упаковка қилиш ва ураш учун ҳам сарфланмоқда.

Техникада қоғознинг махсус нави ва картондан кенг фойдаланилади. Телеграф лентаси, фотосурат қоғози, электр ўтказмайдиган қоғоз шулар жумласидандир. Қоғоз массаси ва асбест аралашмасидан асбестли ўтга чидамли картон, гипс билан аралашмасидан эса қуруқ шпакатурка листлари тайёрланади.

Оддий қоғоз сувда намланади ва осон йиртилади, ундан тайёрланган фибра — жуда пишиқ ва енгил материал бўлиб, ундан ғилофлар, чамадонлар ва шу кабиларни қилишда фойдаланилади. Қоғоз массасидан турли уйинчоклар, хоналар безаклари, махсус модда сингдирилган, нам ўтказмайдиган қоғоздан сут мақсулотлари учун тара, музқаймоқ стаканларини тайерлашда фойдаланилади.

Ҳар йили қоғознинг энг янги навлари яратилмоқда. Махсус электрохимик қоғознинг кашф этилиши туфайли ойнанинг орқа томонини суратга туширишга муваффақ бўлинди.

Қоғоз ва картоннинг классификацияси. Қоғоз ва картон фақат полиграфия саноатидагина эмас, балки халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳам кенг қўлланилади. Целлюлоза қоғоз саноати қоғоз ва картоннинг икки юзга яқин турини ишлаб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилганидек техникада қоғознинг телеграф ва магнитланган магнитофон ленталари, фото сезгир қоғозлар, электр ўтказмайдиган қоғозлар, нам ўтказмайдиган фибра ва шу каби хилма-хил турларидан кенг фойдаланилади. Қоғоздан қурнлишда ҳам кенг фойдаланилади. Масалан, қоғоздан гишт, тўсиқлар учун плиталар тайёрланади.

Қоғозга китоблар, газеталар босилишини, ўнга ручка, қалам билан ёзилишини барча ўқувчилар яхши биладилар. Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчиси болаларнинг кўпроқ эътиборини болалар қоғознинг турмушда тез-тез учратадиган ёки қўл меҳнати дарсларидан фойдаланадиган турларига жалб қилиши лозим.

Газета қоғоз энг арзон ва кўп тарқалган қоғоз туридир. Сифатига кўра унчалик пишиқ эмас, намликни ва елимни яхши сингдиради.

Қоғоз ва картон бошланғч синфлар меҳнат дарсларида энг кўп қўлланадиган материаллардир. Болалар бу материалларга кундалик ҳаётда ҳам кўп марта дуч келадилар.

Қоғоз ва картонга ишлов бериш усуллари унчалик мураккаб эмас, болалар уларни осонлик билан ушлаштириб оладилар. Қоғоз ва картонга ишлов бериш юзасидан эгалланган малакалар кейинчалик барча меҳнат турлари. буйича қўлар меҳнат таълимида кенг қўлланилади.

Қоғозни буклаш усуллари. Қоғоз варағини тенг иккига буклаш учун қоғоз стол ёки парта устига қўйилади ва ўнг ҳамда чап қўл билан қоғозни ўзига яқин турган томонининг икки учидан ушлаб, уни пастки учлари билан тенглаштирилади. Бунда қоғознинг шакиллар қирраси бир-бирига тўғри тушиши керак. Ана шундагина қоғоз қўл билан текисланиб, унинг букилган чизиғи устидан тирноқ босиб юргизилади.

Қоғознинг букилган жойидан йиртиш қоғозни йиртишдан олдин, аввал эктиётлик билан очилади, унинг бир томони ўнг қўл билан босилиб, чап қўл билан букилган чизикдан секин йиртилади. Букилган чизик устига чизғични қўйиб, ҳам қоғозни йиртиш мумкин.

Қоғознинг букилган жойини пичоқда қирқиш. қоғозни буклаб, тирноқ билан босиб из туширилади. Шундан сўнг унинг букланган чизиғини ўнг томонга қилиб стол устига қўйилади, унинг орасига пичоқни тикиб юргизи.

Қоғозни чизик буйича пичоқ билан қирқиш.

Белгиланган чизик устига чети чиққан металл чизғич, фальцлинейка қўйилиб чап қўл билан қаттиқ босилади, пичоқ ўнг қўлда бўлиб, кўрсаткич бармоқ пичоқнинг ўтмас томони устида, катта ва ўрта бармоқ эса пичоқ юзини ушлаб туради. Пичоқни ўзи томонга эгиб, пичоқ билан таглик тахта ўртасида 35—45 градусли бурчак қосил булиши лозим, унинг даммини чизғичга текказиб, фақат бир томонга, пастга қараб юргизилади. Пичоқнинг учи ўткир бўлиши керак акс ҳолда у қоғозни йиртиб юборади. Кесаётганда пичоқни қаттиқ босмаслик керак акс ҳолда у четга чиқиб кетиши мумкин. Қоғозни бу усулда қирқишда унинг ўнг томони пастга қилиб қўйилади.

Қоғозни тахта устида такрор-такрор қирқиш оқибатида турли чизик қолмаслиги учун унинг устига картон ёки бир неча қават қоғоз солинади.

Картон ҳам худди шу усулда қирқилади, бироқ у қалин бўлганлиги ва пичокни бир марта ўтказганда қирқиб бўлмаслиги туфайли пичокни айна бир чизикнинг ўзидан, фақат юқоридан пастга томон такрор-такрор юргизилади.

Картондан дойра қирқиб олишда круглорездан фойдаланилади. Круглорезда радиусни белгилаб, унинг бир учидаги тешикка бигиз урнатилади. Бу бигиз картонни тешиб тахтага ўтказилади. Круглорезнинг иккинчи учида пичокнинг учи ўрнатилади ва шу орқали картондан дойра қирқилади.

Картонни буқиш учун ўнга чизик бўйича пичок ёки ўтмас предмет билан уйиқ полоса ҳосил қилинади. Ана шундан сўнг картонни ўйиқнинг қарама-қарши томонига қўл билан букланади.

**Қоғозни қайчи билан қирқиш.** Қайчи ўнг қўлда ушланади. Иш вақтида қайчини ҳаракатсиз ушлаб, қирқилаётган қоғозни, ундаги кесиш чизиғи аниқ кўриниши учун айлангириб турилади.

Андоза билан ишлаш. Андозани, материални тежаш мақсадларида қоғознинг четига қуйиб, чап қўл билан босиб турилади, ўнг қўлдаги қалам билан андазанинг чети дан чиқилади.

Қоғозни ёпиштириш. Столнинг устига газетани ёзиб, унинг устига керакли ўлчамда қирқиб олинган рангли ёки исталган қоғоз қуйилади ва муйқалам ёрдамида уртасидан четига аввал чап, сўнгра ўнг томонига қараб сирач, елим сурилади. Сирач ёки елимни тез, юпқа қилиб сурилади. Сирач ёки елим суртилган қоғозни ёпиштириладиган предметнинг устига қуйиб, унинг устида ғижимланишлар бўлмаслиги учун тоза латта билан босиб текисланади. Ясси нарсалар пресс остида қуритилади. Хажмли предметлар, қуритишда қоғоз шиммаслиги учун ҳам ички, ҳам ташқи томонидан елимланади.

Монтаж қилиш. Предметлар монтажи ва уларга якуний пардоз бериш ҳар бир ишнинг ниҳояловчи босқичи ҳисобланади. Предметларни йириш ва

уларга пардоз бериш усуллари қилинган иш ва унинг характериға, тайёрланган предметнинг ўзига борлиқ тарзда амалға оширилади. Чунки предметнинг турли деталлари ҳар хил усулларда, яъни махсус клапанлар, полоскалар ёрдамида ёпиштирилиши, хошиялаш ёрдамида бирлаштирилиши, газлама ёпиштирилиши, ип билан тикилиши, сим, каноп ва шу кабилар билан жипслаштирилиши мумкин.

Қоғоздан ясалган деталларни елимлаш қоғоздан ясалган ясси, ҳажмли ишларда қўлланади. Қоғозни картонга елимлаш: химиялаш ишлари, муковалаш ишлари, ҳажмли нарсаларни пардозлаш, қутича ва рилофларни ёпиштиришда деталларни газмол полоскалари ёрдамида бирлаштириш, химиялаш ишларида, муковалаш ишларида, корешокни икки бўлак газмол билан бириктиришда ип билан тикиш ва ип билан бириктиришда, «Фонус хаёл» театри ва қўғирчоқ театрининг ҳаракатланувчи қўғирчоқларини тайёрлашда, дафтар саҳифаларини, карнавал костюмларини тикишда ва бошқа бир қатор ишларда фойдаланилади. Деталларни сим билан ошиқмошиқтарзида бириктиришдан «Фонус хаёл» театрининг ҳаракатланувчи деталларини қўғирчоқ театрининг фигуралари ва бошқа нарсаларни ясашда фойдаланилади.

Бундай ишда ингичкароқ, нина ёки миҳга осон ураладиган симдан фойдаланилади. Бирбирига бириктириладиган картон ёки қалин қоғоз олдиндан бигиз билан тешиб тайёрлаб қўйилади.

Қоғоз ва картондан ясалган деталларни турли хил қилиб бириктиришдан қутичалар, конвертлар, турли конструкциядаги папкалар ясашда фойдаланилади.

Яқуний босқич предметни пардозлаш иши эстетик кўринишда бўлиши керак. Бу деталларни турлича қилиб ҳар хил бўёқлар билан бўяш, аппликациялар бажариш, табиий материаллар, турли материаллар билан безаш, газлама қоплаш ва бошқа усулларда безашдан иборат. Бу ҳақда қуйида гап боради.

Коғоз ва картонга ишлов бериш маълум технологик изчилликдаги ишлаб чиқариш системасини ташкил қилади. Шундай қилиб, технологик жараён хом ашёга ишлов беришда ёки бу усулда бажариладиган операциялар изчиллигининг системаси деб қаралади. Бундай ишлов бериш натижасида хом ашё тайёр маҳсулотга айланади.

У ёки бу хом ашёга ишлов бериш жараёнидаги технологик операциялар системаси тафаккур операциялари: булажак меҳнат фаолиятини планлаштириш, турли ҳисоб китобларни амалга ошириш, чизмани ўқиш, мазкур нусхани шунга ухшаш маҳсулот билан фикрани қиёслашни ўз ичига олади.

Маҳсулотни тайёрлаш буйича иш жараёнини планлаштириш. Режалаштиришумум меҳнат кўникмаларининг асосийларидан бири бўлиб, уни тарбиялаш бошланғич мактабдаги меҳнат таълимининг энг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот буйича ишни режалаштиришчизма, оғзаки тасвир бўйича амалга оширилиши мумкин. Барча ҳолатларда ҳам ўқувчилар ўз ишларининг яқунларини етарлича яхши, аниқ тасаввур қилишлари, тайёрланаётган маҳсулотнинг нимага мўлжалланганлигини, ўнга қуйиладиган талабни тушунишлари мухимдир.

Тайёр намуна асосида 1-синфда иш жараёнини режалаштириш одатда намунани таҳлил қилиш, уни кўриб чиқиш, тасвирлашдан бошланади. Бу иш таҳлил ва синтез кўникмасини, кузатувчанликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари бу иш жараёнида ўқувчиларнинг нутқи ривожланади, янги терминлар билан бойийди.

Намунани мақсадга мувофиқ кўриб чиқиш ва тасвирлаш болалар меҳнатини англаган меҳнатга айлантиради.

Намунани оғзаки тасвирлаш ва таҳлил қилиш қуйидаги саволлар буйича амалга оширилиши мумкин.

1.Предметнинг умумий шакли қандай у қандай геометрик шаклга ўхшайди. \*

2. Нарса қандай қисмлардан иборат. Уни тайёрлаш учун қандай деталлар талаб қилинади

3. Асосий қисми қайси?

4. Нарсани тайёрлаш учун қандай материал керак бўлади

5. Қандай асбоблар керак?

6. Бу нарсани ясашда қандай ҳаракатлар амалга оширилиши керак

7. Нарса деталларининг ўлчамлари қандай

1-синфда нарсани разбор қилишда ва тайёр чизма мавжуд бўлганда предмет деталларини уларнинг чизмадаги тасвири билан кийслаш жуда муҳимдир. Бундай иш болаларда изланувчанликни таркиб топтиради, уларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиради. 2-3- синфларда болалар мазкур предметнинг развёрткасини ўзлари чиза оладилар. Намуна бўйича ишлаш ва уни тадлил қилишдан астасекин мадсулотни тайёрлаш ишини планлаштиришга ўтилади. 1-синф ў иш планини ўқиш ва ёзишни ўрганиб олганларидан сўнг упи доскага ёзиш мумкин булади. Ишнинг план бўйича таниш усулларини болалар мустақил бажарадилар.

Чизма асосида иш жараенини планлаштириш. Бошлагич синфларда кўлланадиган чизмаларда махсулотни тайёрлаш учун зарур бўлган барча ҳаракатлар кўшимча кўрсатилган бўлади. Ўқувчиларга уларни бажариш тартибини топишгина қолади. Болалар ишни планлаштиришга аста секин одатланар эканлар, улар шу орқали операцияларни бажариш изчиллигининг схемасини ўзлаштириб борадилар.

а) нарсанинг умумий ўлчамлари ва керакли материалларни ҳисоблаб чиқиш

б) развёртка ёки андазани разметка қилиш ва чизиш {аввал умумий ўлчамларни, сўнгра ёрдамчи чизиқларни, шундан сўнгина развёртканинг контурини чизиш лозим).

в) материални бичиш;

г) махсулотни йириш.

Иш жараёнини оғзаки тасвир асосида планлаштириш. Предметнинг оғзаки тасвири болаларга нарсанинг ташқи ва ички конструкциясини аниқлашларига ёрдам бериши керак Масалан, сиз икки қисмдан ташкил топувчи арча ясайсиз. Иккаласининг ҳам ярмигача кесиги бор. Фақат биттасининг кесиги пастда, иккинчисиники тепада. Кесиклар бир-бирига ўрнатилади ва натижада хажмли арча ҳосил булади. Бундай оғзаки тасвирда ишнинг тартиби ҳам , берилган. Ўқувчиларни ўқитишнинг бу усуллари яхши натижа беради.

Тайёрланаётган предметлар юзасидан назоратни фақат ўқитувчигина амалга оширмайди, бу ишга у иш жараёнида ва тайёр ишларни таҳлил қилишда саволлар бериш йули билан ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қилади. Болаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишга ўргатиш жуда муҳимдир. Бу ўринда «Қаерда хатога йул қўйилиши мумкин», «Агарда бундай қилсак унда нима бўлади» каби саволлар бериш мақбулдир. Ўқитувчи меҳнат натижаларини қиёслаш ва баҳолаш бўйича ҳам саволлар бериши мумкин. Масалан, «Тайёрлаиған нарсалардан қайси бири яхши ва нима учун» каби саволлар болаларни қилинган барча операцияларни таҳлил қилишга, ўз ишини энг яхши намуна ва бошқа ишлар билан қиёслашга мажбур қилади. Болалар қиёслаб ва умумлаштириб, объектив танқидий баҳолашни ўрганадилар..

Асосий разметка ва контролулчов асбоблари

Ўлчов, разметка ва текшириш асбоблари. Қўл меҳнати дарсларидаги юзада разметка қилиш усуллари унчалик мураккаб эмас ва улар математика дарсларида қўлланадиган асбоблар ёрдамида бажарилади. Биринчи навбатда бу оддий ўқувчилар чизғичи, учбурчак чизгич ва циркулдир.

Чизғич универсал асбоб. Меҳнат дарсларида ўлчаш, разметка қилиш, шунингдек назорат қилиш асбоби хизматини ўтайди. Энг яхшиси 250—300 мм ли чизғичдан фойдаланишдир. Бироқ синфда 500 мм ли чизгич ҳам бўлиши керак. Бурчак чизғич икки хил 45 ва 30—60° бурчаклидир.

Циркуль ёки циркуль оёғи. Апдаза (шаблон)лар учун кўп долларда разметка мақсадларида турли геометрик шакл ва ўлчамлардаги андазалардан фойдаланиш мумкин.

Тайёрланаётган предметлар юзасидан назоратни фақат ўқитувчигина амалга оширмайди, бу ишга у иш жараёнида ва тайёр ишларни таҳлил қилишда саволлар бериш йўли билан ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қилади. Болаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишга ўргатиш жуда муҳимдир. Бу ўринда «Қаерда хатога йул қўйилиши мумкин», «Агарда бундай қилсак унда нима бўлади» каби саволлар бериш мақбулдир. Ўқитувчи меҳнат натижаларини қиёслаш ва баҳолаш бўйича дам саволлар бериши мумкин. Масалан, «Тайёрлаиған нарсалардан қайси бири яхши ва нима учун» каби саволлар болаларни қилинган барча операцияларни таҳлил қилишга, ўз ишини энг яхши намуна ва бошқа ишлар билан қиёслашга мажбур қилади. Болалар қиёслаб ва умумлаштириб, объектив танқидий баҳолашни ўрганадилар..

Асосий разметка ва контролулчов асбоблари

Ўлчов, разметка ва текшириш асбоблари. Қўл меҳнати дарсларидаги юзада разметка қилиш усуллари унчалик мураккаб эмас ва улар математика дарсларида қўлланадиган асбоблар ёрдамида бажарилади. Биринчи навбатда бу оддий ўқувчилар чизғичи, учбурчак чизгич ва циркулдир.

Чизғич универсал асбоб. Меҳнат дарсларида у ўлчаш, разметка қилиш, шунингдек назорат қилиш асбоби хизматини ўтайди. Энг яхшиси 250—300 мм ли чизгичдан фойдаланишдир. Бироқ синфда 500 мм ли чизгич ҳам бўлиши керак

Бурчак чизғич икки хил 45 ва 30—60° бурчаклидир.

Циркуль ёки циркуль оёғи. Апдаза (шаблон)лар учун кўп долларда разметка мақсадларида турли геометрик шакл ва ўлчамлардаги андазалардан фойдаланиш мумкин.

Тайёрланаётган предметлар юзасидан назоратни фақат ўқитувчигина амалга оширмайди, бу ишга у иш жараёнида ва тайёр ишларни таҳлил

килишда саволлар бериш йули билан ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қилади. Болаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишга ўргатиш жуда муҳимдир. Бу ўринда «Қаерда хатога йул қуйилиши мумкин», «Агарда бундай қилсак унда нима бўлади» каби саволлар бериш мақбулдир. Ўқитувчи меҳнат натижаларини қиёслаш ва баҳолаш буйича ҳам саволлар бериши мумкин. Масалан, «Тайёрлаиган нарсалардан қайси бири яхши ва нима учун» каби саволлар болаларни қилинган барча оперцияларни таҳлил қилишга, ўз ишини энг яхши намуна ва бошқа ишлар билан қиёслашга мажбур қилади. Болалар қиёслаб ва умумлаштириб, объектив танқидий баҳолашни урганадилар..

Асосий разметка ва контролулчов асбоблари

Ўлчов, разметка ва текшириш асбоблари. Қўл меҳнати дарсларидаги юзада разметка китлиш усуллари унчалик мураккаб эмас ва улар математика дарсларида кўлланадиган асбоблар ёрдамида бажарилади. Биринчи навбатда бу оддий ўқувчилар чизғичи, учбурчак чизғич ва циркулдир.

Чизғич универсал асбоб. Меҳнат дарсларида ўлчаш, разметка қилиш, шунингдек назорат қилиш асбоби хизматини ўтайди. Энг яхшиси 250—300 мм ли чизғичдан фойдаланишдир. Бироқ синфда 500 мм ли чизғич ҳам бўлиши керак.

Бурчак чизғич икки хил 45 ва 30—60° бурчаклидир.

Циркуль ёки циркуль оёги. Андаза (шаблон)лар учун кўп долларда разметка мақсадларида турли геомбтрик шакл ва ўлчамлардаги андазалардан фойдаланиш мумкин.

Бошқа асбоб-ускуналар қоғоз ва картонни пичоқ билан кесиш, бигиз билан тешиш, кругорез билан ишлаш эни 400—500 мм ли тахта устида бажарилади, қалинлиги 4,5 мм дан кам булмаган фанера бундай тахтанинг ўрнини босиши мумкин, Бир томондан бундай тахталарга ишлов берилаётган материални тираб туриш учун плёнка ўрнатилади. Пробойник ёрдамида тешиклар тахтанинг кесилган жойларида қилинади. Фақат эгри чизик буйлаб

қирқишда қайчидан фойдаланилади. Агарда тўғри чизик бўйлаб кесиладиган бўлса махсус пластмасса металл пичокдан фойдаланган маъқул.

Агарда тўғри ва аниқ бўлиши талаб қишмасе, оқ қоғозни букланган чизик бўйича қирқиш мумкин. Пичоқ букланган қоғоз ичига 35° бурчакда тикилади ва у чап қўл билан босиб турилган Қоғоз орасидан аста юргизилади.

Қоғоз ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараен булиб унда турли хом аше ва химикатлар ишлатилади. Целлюлоза коғоз комбинати турли корхоналар комплеки булиб у егоч омбори коғоз фабрикаси смола ва егоч заводини уз ичига олади. Когоз смола комбинатлари даре ва кулар қиргогига қурилди чунки коғоз ишлаб чиқаришда сув кўп талаб килинади. Бундан ташқари егочни окизишда хам кулайдир. Комбинатга келган гулалар узунлиги 1 метр 20 см еки 1 метру 25 см килиб қиркилади улар баланс деб аталиб пустлок шилувчи аппаратларга утади. Улар чангли сувда айланиб туради. Барабан айланар экан балансларни кобиргага ва бир-бирига ишқаланишга мажбур килади. Шу йусинда улар пустдан ажралади ва пустлар кобиргалар оралигидан утиб кетади.

1-3 синф ўқувчиларининг қоғоз ва картондан материалига ишлов бериш монтаж операциялари чизманинг мураккаблигига алоқадор еш хусусиятларини хам хисобга олиш керак. 1-3 синф ўқувчилари тайерлайдиган моделлар тасвирланаётган предметларнинг аниқ нусхаси булмайди. Бу моделлар схематик факат ташки ухшашликни акс эттирувчи моделлардир.

**Тўқиш** — бу ер куррасининг барча халкутарида қўл хунарининг энг кўп тарқалган қадимий туридир. Тўқишни ибтидоии одам утлар дарахт пўстларидан турмуш предметларинн тўқиб санъатга айлантирди. Минг йиллар давомида тўқиш воситасида нақшлар яратилди ва улар мураккаблашиб борди ва унинг асосида, ниҳоят оқибатда, туқимачилик

дунёга келди. Ҳар қандай газлама ҳам узаро туқилган ишлардан таркиб топади.

**Қоғоздан Тўқиш** — қоғозга ишлов беришнинг энг қизиқарли бадиий усулларидан биридир. Тўғри ташкил этилган қоғоздан тўқиш тарбиявий ва таълимий аҳами-ятга эгадир. Бу ишнинг асосий мақсади чамалаш, аниқли тартиблиликни ўстириш, Тўқиш усулларини ўргатишдир. Тўқиш амалий санъатда муҳим ўринни эгал-лайди, орнаментлар туқимачилик таркибига киради ва у эстетик тарбиянинг воситаларидаи бири ҳисобла-нади.

Меҳнат дарси ўқувчиларнинг аклий ва жисмоний кучларини ривожлантириш, уларнинг онгларини билим, малака ва куникмалар системаси билан бойитиш, ўқувчиларнинг ўқиш, турмуш, уйинда фойдаланадиган нарсаларни яшашларидаги ёш хусусиятларипи, имконият-ларини назарда тутган ҳолда пухта уйлаб чиқилиши керак Тўқиш намуналарида ўқувчилар уриш ва арқон ишлар тушунчаларини эгаллайдилар, нақшлар уйишни, нақш гулларини уйғунлаштиришни урганадилар, улар турлаш техникаси билан танишадилар, булар ўқувчи-ларўинг ижодий усишларига мақсадга мувофиқ таъсир курсатади. Бундай ишда ҳар қандай қоғоздан фойдаланиш мумкин.

Тўқишда қуйидагилар қисобга олиниши зарур.

1. Турли деталларга мўлжалланган қоғозларнинг қалинлиги бир хил булиши керак акс ҳолда нақш ёки буюмларни яшаш мураккабгина булмай, балки улар нотекис ҳам чиқади.

2. Нақшни танлаб, туқиладиган чизиқлар юқори қатордан бошлаб қандай изчилликда боришини, улар билан қайси катакларни бекитиш лозимлигини куриб чикинг. Нақшларда купинча бир хил туқилган полоска-лар такрорланади. Уларнинг қаерда такрорланишини мустақил белгилаб олинг, шунда иш анча осонлашади на тезлашади, чунки катакларни санашга ҳожат майди.

3. Нақш бир текис чиқиши учун ҳар бир туқилаётган полосками олдингисига туғри ва зич қилиб тақаш лозим. Буни ишнинг орқа томонидан

қилиш керак акс холда полоска-йинг олд четлари эзилиши мумкин. Агарда нацш кўп полосакалардан туқиладиган булса, вақ-ти-вақти билан арқок полоскани кутариш, унга озгина елим суриб туқилаётган полоскага ёпиштириб қўйиш лозим.

4. Тўқишда рангсиз универсал елимдан фойдаланган маъқул, Елимни гугурт чупи билан ёпиштириладиган полосканинг қоқ ўртасига нуқта тарзида суриб, тайёр юпқа картон ёки калин қоғозга ёки безалиши лозим булган нарсага ёпиштириб қўйиш керак

5. Тўқишда барча бармоқларни ишлатишга ҳаракат ққлинг.

Тасвирни танлаб ва унинг нимага мўлжалланганлигини аниқлаб, керакли қоғоз олинади ва разметка қилишга киришилади.

Керакли ўлчамдаги варақ иккига букланади, чети-дам талаб қилинаётган кенглик ўлчанади, сунгра юқори ва унг четдан бу чизиклар рамка тарзида чизилади. Ишинг кейинги босқичи чизилган Четнинг чап томонидан расм учун керак булган кенгликдаги полоса ўлчанади. Полоскалар уртасидаги ораликни улчаб букиш чизиғидан юқорида белгиланган милк қиррасигача кесиклар қилинади. Варақ очилганда у текис полосаларга қирқилган булади. бошқз рангдаги кейинги варақ керакли кенгликдаги полосаларга улчаб чизилади.

Тўқишда уриш (асос) бирмунча қисқаради, шунинг учун у доимо бир неча мм узун булиши керак разметка қоғозини, чап томонидан қилинишини унутманг. Полоскаларни танлашда рангларнинг узаро уйғун булишига қаракат қилиш, бир неча вариантда синаб кўриб энг қулайини топиш керак

Аввал оддий нақш туқилади. Прлосадаги кесиклар шахмат тартибида туқилади, Кесикларни қия тарзида ҳам қилнш мумкин.

Қия кесикли хатчуп

1. Рангли ёки оқ қоғоз олиниб, узунасига иккига букланади.

2. Заготовка разметка қилинади. Кесиклар чизири букилиш томонидан бир-бирига тенг ораликда қилинади. Рангли оқ қоғоз полосаси олиниб, четлари букилади ва ўришнинг терс томонига тикилади,

3. Кесикли асосни айлангириб нақш полоса билан тиқилади.

4. Хатчупнинг ён томонлари терс томонга букиб елимланади, нарса пресда куритилади.

Кийшиқ кесикли хатчуп

1. Рангли қоғоз олиб, узунасига иккига букланади.

2. Заготовка разметкасини чизиқнинг буш четлари-дан 20 мм ораликда утказиб тайёрлаш. Кесиклар чи-зигини букиш чизирига 45° бурчакда огдириб белгилаш ва қирқиш.

3. Бошқа рангдаги қоғозни олиш.

4. Қирқилган асос арқок оқ олиб, полоскани кесиклар орқали Тўқиш, хатчуп четларини елимлаш.

II вариант., Бу вариант айрим қоғоз полосаларини эмас, балки кесик арқокларни туқиб бажарилади. Вир томони бўялган қоғоздан фойдаланган яхши, бунда буюмнинг ранг гаммасида қоғознинг терс томонидаги ранг ҳам иш беради.

Ишнинг бориши

1. 60 x 90 мм ўлчамда рангли қоғоз полосаси тайёрланади.

2. Астар учун бошқа рангдаги қоғоз тайёрланади. қоғознинг ранги ва тони асоснинг унг ва терс томони ранги билан яхши уйрунлашихи керак

3. Асос разметка қилинади. Кесиклар чизирини 45° бурчакда қилиб 7 мм ораликда қирғқилади.

**Н а қ ш и и т ў қ и ш.** Бунинг учун заготовкани пастга қаратиб, юқори полоса бурчакларини биттадан колдириб юқорига қайрилади. Бурчаклар разметка чизиридан букланади, букланган бурчаклар яқин турганининг тагига тиқилади.

5. Тўқилган асосга елим суриб, астарга елимланади. Сумкачалар ва шу кабиларни тўқишни II—III синфлар ўқувчилари бажара оладилар. Намунани анализ қилишда детални буюмга бириктиришга алохида эътибор берилади. Заготовка разметкаси операцион чизма буйича ққилинади.

**С а в а т гиламчалар тўқиш.** Геометрик оргаментли гиламчалар (юқорида айтиб утилганидек) полоскалар сонига кура туқилади. Крест усулида тўқишни намуна сифатида олиб, нақш учун турли кенгликдаги полоскалардан фойдаланиш мумкин. 140 синфдаги дарснинг тахминий план

Туби тўқилган сават. Топшириқ икки соат дарсга мўлжалланган.

Агарда елим суртилган қоғоз дарҳол картонга ёпиштирилса, қоғоз буқишда давом этиб, у эгри-бугри нотоқис бўлиб қурийдди. Картонга қоғоз ёпиштиришдаги биринчи қоида қоғозга елимни суртиб, унга елимни шимиш учун вақт бериш, ана шундан кейин уни картоннинг устига қуйиш ва ўртасидан четлари томон охиста силаб ёпиштириш керакдир. Шунда қоғоз текислашб тагидаги ҳаво чиқиб кетади. Қоғоз ёпиштирганда картон буралиб кетмаслиги учун қоғозни картоннинг ҳар иккала томонига ёпиштириш керак ҳамда пресс остида қуритиш лозим.

Меҳнат дарсларида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, яқуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларини ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур бўлган амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларига, онгли равишда қоғоз ва картон билан ишлашга, меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир.

Ўрта мактабда ўқитиладиган меҳнат таълими фанининг мақсади-ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдан иборат.

## **II. БОБ СИНОФ МЕХНАТ ДАРСЛАРИДА ҚОҒОЗ ВА КАРТОН билан ишлашга ЎРГАТИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ.**

### **2.1. Бошланғич меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга ўргатиш усуллари**

Қоғоз ва картон бошланғич синфлар меҳнат дарсларида энг кўп қўлланадиган материаллардир. Болалар бу материалларга кундалик ҳаётда ҳам кўп марта дуч келадилар.

Қоғоз ва картонга ишлов бериш усуллари унчалик мураккаб эмас, болалар уларни осонлик билан ўзлаштириб оладилар. Қоғоз ва картонга ишлов бериш юзасидан эгалланган малакалар кейинчалик барча меҳнат турлари. буйича ҳунар-меҳнат таълимида кенг қўлланилади.

Қоғозни буклаш усуллари. Қоғоз варағини тенг иккига буклаш учун қоғоз стол ёки парта устига қўйилади ва ўнг ҳамда чап қўл билан қоғозни ўзига яқин турган томонининг икки учидан ушлаб, уи пастки учлари билан тенглаштирилади. Бунда қоғознинг шкалалар қирраси бир-бирига тугри тушиши керак ана шундагина қоғоз қўл билан текисланиб, унинг букилган чизиги устидан тирноқ босиб юргизилади.

Қоғознинг букилган жойидан йиртиш. қоғозни йиртишдан олдин, аввал эктиётлик билан очилади, унинг бир томони ўнг қўл билан босилиб, чап қўл билан букилган чизикдан секин йиртилади. Букилган чизик устига чизғични қуйиб, ҳам қоғозни йиртиш мумкин.

Қоғознинг букилган жойини пичоқда қирқиб. Қоғозни буклаб, тирноқ билан босиб из туширилади. Шундан сўнг унинг букланган чизигини ўнг томонга қилиб стол устига қуйилади, унинг орасига пичоқни текиб юргизилади.

Иш хоналарида ишлаш ва асбоблардан фойдаланиш буйича қоидаларини қуйидагича умумлаштириш мумкин.

1. Иш хонасига фақат ўқитувчи рухсати билан кирилади.

2. Хар бир ўқувчи фақат ўз иш жойида ишлайди. Агарда иш коллектив равишда қилинадиган бўлса, болалар ўз бригада, юлдузчаларидаги ўз мажбуриятларини яхши биладилар.

3. Иш фақат ўқитувчипинг рухсати билан бошланади.

4. Ишни бошлашдан олдин, иш жойингни тайёрла, асбобларни туғри ва қулай жойлаштир; «Ўнг кўл билан ушланадиган асбобларни ўнг томонга, чап кўл билан ушланадиганини чап томонга қуй, санчиладиган, кесадиган асбобларни кеч қачон иккита асбоб орасига қуйма, уларни доимо уз жойига, ўткир томонини нариги, дастасини узинг томонга қилиб қуй. Асбобларни уйнама, улар уйинчоқ эмас.

5. Иш вақтида иш жойингни тартибли сақла.

6. Ўтмас ёки бузуқ асбоб билан ишлама.

7. Асбобни ишлатганда, уни ўқурсатганидек ушла.

8. Асбобларни асра, уларни турри, уз урнида ишлат, ишлатгандан сўнг уларни тозалаб, ювиладиганларини ювиб, артадиганларини артиб қуй.

9. Нарсани, қар бир детални олдинги сафаргидан яхшироқ, чиройлироқ, тартиблироққилишга ҳаракат қил.

10. Ишни тугатдингми, иш жойингни тезда тозалаб, тартибли қилиб қуй.

Турли асбоб ва ускуналардан фойдаланишда хавфсизлик техникаси қоидалари қайчидан фойдаланиш қоидалари

1. Қайчини белгиланган жойда, белгилапган скалатда сақла.

2. Қайчининг учини юқорига қилиб ушлама.

3. Қайчини очиқ ҳолда қолдирма,

4. Қайчини юриб турганинда ишлатма.

5. Қайчини фақат ёпилган хода учидан ушлаб ўртоғингга узат.

6. Қайчини ишлатаётганда кесилишнинг йўналиши ва материални ушлаб тургам чап кўл бармоқларини кузатиб тур.

7. Яроқсиз қайчини ишлатма, ўқитувчига топшир.

**Бигиз билан ишлаш қоидалари**

1. Бигизни бекорга ишлатма.

2. Сирти силлиқ, сирпанчиқ каттиқ предметларни бигиз билан тешма.
3. Тешиладиган предметни қўлингда ушлама, уни стол, таглик устига қуйиб теш.

Пичоқ билан ишлаш қоидалари

1. Учи юмалоқ пичоқдан фойдалан.
2. Пичоқни уқитувчи кўрсатганидек ишлат, кесганда каттиқ босма.
3. Бузилган ёки очилиши қийин паккини ишлатма.

**Нина билан ишлаш қоидалари**

1. Нинани ишлатиб булгач, махсус нина ёстикчага санчиб қуй.
2. Нинани ҳеч қачон орзингга олма.
3. Запас ниналарни игнадонда қуруқ ҳолатда сақла.
4. Ишдан олдин ва ишдан кейин ниналарни санаб , етишмаган ниналарни албатта топ.
5. Қоғоз ва картондан нарсаларни ясаганда биринчи тешикни албатта бигиз билан тешиб ол.

Кўрилган чораларга қарамай синфда бахтсиз ходиса руй берса, ўқитувчи биринчи ёрдамни кўрсатиши ва мактаб врачини чақириши лозим. Иш хонасида йод, бинт солинган аптечка булиши шарт.

Биз амалиёт даврида бошланғич синф меҳнат дарсларини педагогик технология асосида ўтишга эришдик. Ҳар бир дарсларни кузатиб, таҳлил қилиб педагогик технологияни анъанавий дарслардан, фарқи жуда катта эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Меҳнат дарсларида педагогик технологиянинг афзаллиги бунда ўқувчилар иштироқи муҳим ўрин тутди ва самарали қафолатланган натижага эришиш мумкин.

Биз тажрибалар ўтказиб, педагогик технология асосида ўтилган дарслар қизиқарли ва яхши ўтади деб ўйладик.

Амалиёт вақтида қўлланган замонавий педагогик технология элементлари асосида тузилган дарслардан дарс ишланмалари бўйича, намуналар келтирдик.

## **2-синф меҳнат дарсидан 1-соатлик дарс ишланмаси.**

### **Мавзу: Рангли қоғоз ва картондан кабутар яшаш.**

*Ажратилган вақт: 1 соат*

*Машиғулот тури: Янги мавзунини баён қилиш.*

**I-ташкилий қисм.**

а) саломлашиш.

б) даволатни аниқлаш.

в) ўқувчиларнинг даосга тайёргарлигини текшириш.

**II-асосий масалалар.**

1. Ўтилган «Оққуш яшаш» мавзусини такрорлаш.
2. Кабутар яшаш технологияси ҳақида тушунча бериш.
3. Уйга вазифа.

**Таянч тушунча ва иборалар:** қанот, пат, хонаки қушлар, ёввойи қушлар.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.**

Ўтилган «Оққуш яшаш» мавзусини такрорлаш, ҳамда мавзу бўйича билим, кўникма, малакаларини шакллантириш.

**1-асосий масала бўйича идентиф ўқув мақсадлар.**

- 1.1. Қушлар ҳақида гапириб берадилар.
- 1.2. Қушларнинг турларини ажратадилар.
- 1.3. «Оққуш яшаш» технологиясини кўрсатади.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

-Қани болалар ўтган дарсда қандай мавзунини ўтган эдик? (Болалар жавоб беради).

-Ўтган дарсда биз «Оққуш яшаш» мавзусини ўтган эдик. Ўқитувчи.

-Қани қушлар ҳақида нималар биласиз? Ўқувчилар:

-Қушлар исиксева ва совуксева бўлади. Исиксева қушлардан қалдирғоч, лайлак ва бошқалар баҳорда учиб келишади. Совуксева қушлардан қарға, майналар кузда учиб келишади. Ўқитувчи:

-Ҳама «Оққуш» ясаб келдими? Ўқувчилар:

-Ҳа ясаб келдик-деб жавоб берадилар.

### **1-асосий масала бўйича назорат топшириқлари.**

1.1.1. Қалдирғоч қачон учиб келади?

А) қишда

Б) баҳорда

В) ёзда

1.1.2. Оққуш қаерларда учрайди?

А) кўлларда

Б) ариқларда

В) дарёларда

### **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Қабулар ясашни тушунтириш ва уларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш.

### **2-асосий масала бўйича итентив ўқув мақсадлар:**

2.1. Қабулар ҳақида маълумот берадилар.

2.2. Қабулар турларини айтадилар.

2.3. Қабулар ясаш технологиясини ўрганадилар.

### **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

Ўқитувчи: «Қани болалар кимнинг уйида хонаки қабулар бор?» Ўқувчилар «Биз боқамиз» дейишади. Ўқитувчи «Қабуларга нималар бериб боқилади?» Ўқувчилар «Дон, дун». Ўқитувчи «Қабуларнинг қандай рангларини биласизлар?». Ўқувчилар «Оқ қабулар, кўк қабулар, жигарранг қабулар». Ўқитувчи «Ҳозир биз сизлар билан қабулар ясашни ўрганамиз, ҳамма оқ қоғоз олсин, сизларга қабуларни қандай ясашни ўргатаман».

### **2-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

2.1.1. Қабуларлар қаерда яшайди?

А) дарахтда

Б) томда

2.1.2. Хат ташувчи кабутар ҳам бўладими?

А) Ҳа

Б) Йўқ

В) Билмадим.

**3-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.**

Кабутарлар ҳақида ўқиб келадилар.

Кабутарлар хилларини ажратадилар.

Кабутар ясаб келадилар.

**3-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

«Болалар сизлар уйда кабутар ҳақида ўқиб, кўплаб маълумотлар тўплаб келинглари. Кабутар қандай вазифаларни бажаришини билиб

олинглари? Уйингизда рангли қоғоздан чиройли кабутар ясаб келинглари.

Шу билан дарсимиз тугади. Кейинги дарсгача хайр».

**3-асосий масала бўйича назорат топшириқлари.**

3.1.1. Кабутарларга обзор бериш мумкинми?

А) Йўқ

Б) Билмадим

3.1.2. Ёввойи кабутарлар ҳам бўладими?

А) Ҳа

Б) Йўқ.

**1.1.3. Кабутар қаерларда учрайди?**

А) кўлларда

Б) ариқларда

В) дарёларда

## **Мавзу: Рангли қоғоз ва картондан чумчуқ ясаш.**

*Ажратилган вақт: 1 соат*

*Маишулот тури: Янги мавзуни баён қилиш.*

**I-ташкилий қисм.**

а) саломлашиш.

б) даволатни аниқлаш.

в) ўқувчиларнинг даосга тайёргарлигини текшириш.

**II-асосий масалалар.**

1.1. Ўтилган «Турна» мавзусини такрорлаш.

1.2. Кабутар ясаш технологияси ҳақида тушунча бериш.

1.3. Уйга вазифа.

**Таянч тушунча ва иборалар:** қанот, пат, хонаки қушлар, ёввойи қушлар.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.**

Ўтилган «Турна» мавзусини такрорлаш, ҳамда мавзу бўйича билим, кўникма, малакаларини шакллантириш.

**1-асосий масала бўйича идентив ўқув мақсадлар.**

1.1. Қулар ҳақида гапириб берадилар.

1.2. Қушларнинг турларини ажратадилар.

1.3. «Турна» технологиясини кўрсатади.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

-Қани болалар ўтган дарсда қандай мавзуни ўтган эдик? (Болалар жавоб беради).

-Ўтган дарсда биз «Турна» мавзусини ўтган эдик. Ўқитувчи.

-Қани қушлар ҳақида нималар биласиз? Ўқувчилар:

-Қушлар иссиқсевар ва совуқсевар бўлади. Иссиқсевар қушлардан қалдирғоч, лайлак ва бошқалар баҳорда учиб келишади. Совуқсевар қушлардан қарға, майналар кузда учиб келишади. Ўқитувчи:

-Ҳама «Турна» ясаб келдимиз? Ўқувчилар:

-Ҳа ясаб келдик-деб жавоб берадилар.

## **1-асосий масала бўйича назорат топшириқлари.**

### **1.1.4. Қалдирғоч қачон учиб келади?**

- А) қишда
- Б) баҳорда
- В) ёзда

### **1.1.5. Турна қаерларда учрайди?**

- А) кўлларда
- Б) ариқларда
- В) дарёларда

### **1.2.1. Турна нима билан озиқланади?**

- А) балиқ, илон, бақа.
- Б) дон, майда ҳашоратлар.
- С) майда жониворлар билан.

## **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Ўқувчиларга чумчуқ ясашни тушунтириш ва уларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш.

## **2-асосий масала бўйича итентив ўқув мақсадлар:**

- 2.1. Чумчуқ ҳақида маълумот берадилар.
- 2.2. Чумчуқ турларини айтадилар.
- 2.3. Чумчуқ яшаш технологиясини ўрганадилар.

## **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

Азиз ўқувчилар бугун биз сизлар билан, чумчуқ яшаш технологиясини ўтамыз. Ўқитувчи: «Қани болалар кимнинг уйида хонаки чумчуқ бор?» Ўқувчилар «Биз боқамиз» дейишади. Ўқитувчи «Чумчуқ а нималар бериб боқилади?» Ўқувчилар «Дон, дун». Ўқитувчи «Чумчуқнинг қандай турларини биласизлар?». Ўқувчилар «Оқ чумчуқ, кўк чумчуқ, жигарранг чумчуқ». Ўқитувчи «Ҳозир биз сизлар билан чумчуқ ясашни ўргатамыз, ҳамма оқ қоғоз олсин, сизларга чумчуқ қандай ясашни ўргатаман».

## **2-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

- 2.1.1. Чумчуқлар қаерда яшайди?

А) дарахтда

Б) томда

### **2.1.2. Чумчуқнинг қандай турларини биласизлар?**

А) Оқ чумчуқ

Б) кўк чумчуқ

В) Билмадим.

### **2.2.1. Қандай қуш турларини биласиз?**

А) Турна, оққуш, чумчуқ,

В) Товуқ, мушук, қарға.

С) Ҳамма жавоблар тўғри.

### **3-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Ўқувчларга чумчуқ яшашни тушунтириб ва уларга уйга вазифа бериш.

### **3-асосий масала бўйича (ИЎМ) мақсади.**

3.1. Чумчуқлар ҳақида ўқиб келадилар.

3.2. Чумчуқлар хилларини ажратадилар.

3.3. Чумчуқлар ясаб келадилар.

### **3-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

«Болалар сизлар уйда чумчуқ ҳақида ўқиб, кўплаб маълумотлар тўплаб келинглار. Чумчуқ қандай вазифаларни бажаришини билиб олинглар? Уйингизда рангли қоғоздан чиройли чумчуқ ясаб келинглар. Чумчуқ ясаганларингда техника ҳафсизлик қоидаларига риоя қилинг. Уйда тушунмасангиз ота-оналарингдан сўраб билиб олинглар. Шу билан дарсимиз тугади. Кейинги дарсгача хайр».

### **3-асосий масала бўйича назорат топшириқлари.**

#### **3.1.1. Чумчуқларга озор бериш мумкинми?**

А) Йўқ

Б) Билмадим

#### **3.1.2. Ёввойи чумчуқ ҳам бўладими?**

А) Ҳа

Б) Йўқ.

С) бўлмайди.

### **3.2.2. Қандай қушлар бизнинг дўстимиз ҳисобланади?**

А) Ҳамма қушлар бизнинг дўстимиз.

В) Фақат чумчуқ ва қалдирғоч.

С) Турна ва кабутар

### **3.2.2. Чумчуқ нима билан озиқланади.**

А) хашоратлар билан озиқланади.

В) донлар билан озиқланади.

С) нон увоқлари билан озиқланади.

### **Мавзу: Рангли қоғоздан лола ясаш**

Ажратилган вақт – 1 соат

Машғулот тури – янги мавзуни баён қилиш

#### **Ташкилий қисм**

А) Саломлашиш

Б) Давоматни аниқлаш

В) Уйга вазифани текшириш

#### **Асосий масалалар:**

1. Ўқитилган мавзунинг таҳлили

2. Янги мавзу баёни

3. Уйга вазифа

#### **Ўқитувчининг масқади:**

**Таълимий мақсад** – ўқувчиларни меҳнат фани қуролларини тўғри ишлата олишга, рангларни тўғри танлай олишга ўргатиш;

**Тарбиявий мақсад** – ўқувчиларни меҳнат қилишга, меҳнатни улуғлашга, меҳнатни қадрлай олиш ҳиссини ўйғотишга ўргатиш;

**Ривожлантирувчи мақсад** – ўқувчиларда муцақил ишлаш кўникмасини ривожлантириш.

#### **Ўқувчилар бажарадиган вазифалар:**

1.1. Рангларни тўғри танлайдилар;

1.2.Қоғозлардан шакллар ясайдилар;

1.3.Гулларни қандай ясашни ўрганадилар.

**Дарс жиҳозлари:** кўрғазмали қуроллар, рангли қоғоз, йелим, картон, қайчи, қалам, чизғич.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:**

Ўқитувчи – бугун биз сизлар билан рангли қоғоздан гуллар ясашни ўрганамиз. Болажонлар, гул турларини яхши биласизлар, тўғрими?

Ўқувчилар – тўғри дейишади.

Ўқитувчи – Қани Жавоҳир, сен жавоб берчи, қанақа гул турларини биласан?

Жавоҳир: – атиргул, чучмома, лола каби гул турларини санаб беради.

Ўқитувчи – баракалла, жуда ҳам яхши. Қани болажонлар бугун дарсимизда қанақа гул турини ясаймиз?

Ўқувчилар – Лола гулини ясаймиз.

Ўқитувчи – Қани ким айтади. Лоланинг ранги қанақа бўлар экан?

Наргиза – лола қизил рангда, пояси яшил рангда бўлади, - деб жавоб берди.

Ўқитувчи – жуда ҳам яхши, энди ҳамма менга диққат билан қарасин. Аввало, биз лола гулини қизил рангли қоғозга чизиб оламиз. Рангли қоғозни орқа томонидан чизиб оламиз, чунки қирқиб олиш осон кечади. Мана лоланинг гулини ҳам чизиб олдик.

Энди баргини чизиб оламиз. Бунинг учун бизга яшил рангли қоғоз керак бўлади. Мана баргини ҳам чизиб олдик. Энди эса эҳтиёткорлик билан қайчида қирқиб оламиз. Қирқиш жараёнида текис қилиб қирқилади. Схундагина қилаётган ишимиз натижаси яхши чиқади.

Ҳозир картонимиз уцига сариқ рангли қоғозни картонга ўлчаб олиб йелим билан ёпиштирамиз. Елимдан фойдаланилган пайтда эҳтиёткор бўлиш лозим, чунки ортиқча сарфланган йелим ишимизни чиройли чиқишига халақит беради.

Схундан сўнг рангли қоғоз билан қопланган картонимиз уцига боя қирқиб олган лоламизни шаклини чиройли қилиб йелимлаймиз. Ундан сўнг танаси ва баргларини йелимлаб чиқамиз. Мана гулимиз ҳам тайёр бўлди. Болажонлар кўрдингизми?

Ўқувчилар – ҳа, деб жавоб беришади.

Ўқитувчи – энди эса ҳар бирларингиз ўзларингизни ўқув қуролларингизни эҳтиёткорлик билан ишлатган ҳолда ясай бошланглар. Кимки, чиройли, озода қилиб ясаса, мен унга аъло баҳо қўйиб бераман.

Ўқитувчи болаларга яшашга қийналмаганларга намуна қилиб кўрсатиб боради. Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмайди. Гулни чакқонлик билан ясаб бўлганлар эса бирин-кетин, навбат билан ўқитувчига олиб бордилар. Ўқитувчи эса улар қилган камчиликларни айтиб, яшашган гулларига муносиб баҳолар қўйди.

### **Назорат топшириқлари.**

#### **1.1. Лола гулининг ранги қанақа бўлади?**

- а) яшил
- б) кўк
- в) қизил

#### **1.2. Лоланинг баргини яшашда қайси рангли қоғоздан фойдаланилади?**

- а) қизил
- б) яшил
- в) сарик

#### **1.3. Лола гулини яшашда нечта иш жараёни бажарилади?**

- а) 2 та
- б) 3 та
- в) 4 та

Ўқитувчи - Азиз болажонлар! Бугунги мавзуимиз шулардан иборат. Мен ҳаммангиздан хурсандман, ҳаммангиз бугунги топшириқни жуда яхши бажардингиз. Кейинги дарсда биз сизлар билан самалиёт ясаймиз. Ҳамма

дарсга тайёр бўлиб келсин. Бугун менга топширишга улгурмаганлар кейинги сафар қабул қиламан. Хайр, саломат бўлинглар.

Уйингизда рангли қоғоздан чиройли самалиёт ясаб келинглар. Самалиёт ясаганларингда техника ҳафсизлик қоидаларига риоя қилинг. Уйда тушунмасангиз ота-оналарингдан сўраб билиб олинглар. Шу билан дарсимиз тугади. Кейинги дарсгача хайр».

## **2.2. Тажриба синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси**

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларини меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга ўргатиш шакл ва методларини кўллаш барча мактабларда бир хил ахволда деб бўлмайди уни кўллаш бир неча босқичларда амалга оширилди.

**Дастлабки босқич** - бу уларга кенг кўламли тарзда ташкил этилган чуқур идрок жараёни ҳақидаги билимларни тарғиб қилинди. Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларини меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга етарли даражадаги билимларни бериш бажарилди. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни эгаллаш, уни ясаиш технологияларини билиш, мазмун ва моҳиятини тушуниб етишга аҳамият берилди.

Бунда ўқувчиларнинг кўпчилик қисми қоғоз ва картон ҳақидаги билимлар борасида ўз фикрларини баён этадилар. Баъзи бир ўқувчилар бу соҳада паст даражада билимга эга эканликларини билдирадилар. Мазкур ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга бўлган интилиш натижасида шу нарсга маълум бўлдики, ўқувчиларнинг деярли барчаси қоғоз ва картон ҳақидаги билимларнинг моҳиятини чуқур англашмасдилар. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар фаолиятида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришни алоҳида мақсад қилиб олинмаган.

Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш учун бошланғич таълим мактаби ўқувчиларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиладик:

1. Ўқувчиларнинг қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни амалиётга тадбиқ этиш асосида уларда қоғоз нарсалар яшаш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, мустақил фикрлашни, фаолликни қарор топтириш;
2. Ўқувчиларда қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришда муҳим восита бўлган дарс ва синфдан ташқари машғулотларни қуйидаги шакл ва методларда амалга ошириш:

Ўқувчилар онгига таъсир этувчи методлари - кўргазмали қилиш, тушунтириш, савол-жавобни ташкил этиш, экскурсия ташкил этиш, намуна кўрсатиш, баҳс, мунозара, кўрсатмали методлардан фойдаланиш ва бошқалар;

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришга йўналтирилган дарс ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги воситаларга таяниб иш кўрилди:

Ўқувчиларнинг шахсий ёндошуви, жамоатчилик фикри, намуна кўрсатиш, кўргазмали қуроллар намоиши орқали, муносабатлар жараёнини ташкил этиш;

Тажриба - синов жараёнида меҳнат дарсларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш методи ва тарбия бирлиги, инсонпарварлик мазмунидаги тадбирларнинг ягона мақсадга йўналтирилганлиги, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, ҳар бир ўқувчи шахсига қоғоз ва картон ҳақидаги фикрлари билан муносабатда бўлиш, каби тамойиллар асосида ташкил этилди.

**Биринчи босқич**—Ўқувчилар қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди;

**Иккинчи босқичда**—муайян Ўқув предмети доирасида мустақил ижод қилиш, изоҳлаш, ифодалаш усуллари ва воситаларини танланди;

**Учинчи босқичда**—Ўқувчиларнинг қоғоз ва картон ҳақидаги билимларига доир тасаввурларини, назарий билимларини ва уларни амалга ошириш кўникмаларини мустаҳкамланди;

**Тўртинчи босқичда**—Ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, амалий кўникмалар даражасини назорат қилиш ва баёлашдан иборат бўлди.

Юқорида кўрсатилган босқичлар ўртасидаги изчил боғланиш, ўқувчи қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни яхлит, тўлиқ ва аниқ тасаввурларнинг вужудга келиши учун асос бўлди.

Юқорида баён этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда тажриба мактабларида қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантиришга оид йиллик режа ишлаб чиқилди. Қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш режасини тузишда ўқув дастури, тарбия иши мазмуни шунингдек, ўқувчиларнинг қоғоз ҳақидаги билим, тафаккур ва ижодкорлик даражаси қизиқиш ва эҳтиёжлари, ташаббускорлик ҳамда фаоллик кучи эътиборга олинди. Шу мақсадда бошланғич таълим босқичида дарс ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар тизимининг ҳолати ўрганилди.

Биз ана шу талаблардан келиб чиқиб бошланғич таълим жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш кўникма ва малакаларига алоҳида аҳамият бердик.

**Юқори даража:** рангли қоғоз ва картон ҳақидаги тушунчаларга эга бўлган, ижодкорлик қобилияти бор, мустақил иш олиб борувчи, ясашиш технологияларни тушуниб етадиган, ўзи мустақил ҳолда ясай оладиган, ҳар нарсани идрок қиладиган ўқувчиларни киргизишимиз мумкин.

**Ўрта даража:** рангли қоғоз ва картон ҳақидаги тушунчаларга эга бўлган, ижодкорлик қобилияти бор, мустақил ҳолда бажармасдан ўқитувчи ёрдамида ясайдиган, ясашиш технологияларни мазмун ва моҳиятига тушуниб етмайдиган, ҳар нарсани идрок қиладиган ўқувчиларни киргизишимиз мумкин.

**Қуйи даража:** Ўқитувчи ёки жамоанинг топшириғига кўра атрофдагиларига ёрдам беради. Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар киради.

Тажриба машғулотларида- қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилиш учун қўлланилган ноанъанавий шаклнинг мақсади-ўқувчиларни қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш ва уларнинг ижодкорлик даражасини оширишдан иборат эди.

Бундай машғулотлар йил давомида олиб борилди ва уларга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Аввало ўқитувчи кўшимча адабиётлар билан таништирадилар. Шу мақсадда мавзуларга оид кўшимча адабиётдан керакли маълумотларни танлай билиш ҳақида топшириқлар берилди. Топшириқлар мазмуни қуйидагича бўлди: дастур ёки кўшимча адабиётдаги муайян мавзу машғулотдаги асосий фикрни қисқача баён қилиш: кўшимча адабиётдаги айрим маълумотларни таҳлил қилиш ва ушбу адабиётда қоғоз ва картон ҳақидаги масалаларининг қайси жиҳатлари ёритилганлигини аниқлаш ва шу кабилар. Тажриба ишлари жараёнида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Машғулотларга ўқувчилар олдиндан пухта тайёргарлик кўрдилар. Ҳар бир машғулотда ўқувчилар мавзу ҳақида қисқача тушунча бериб уни суҳбат услуби ёки ўйин орқали амалга оширдилар.Лекин шунга қарамай кўп йиллик олиб борган тадқиқот ишимиз ўз натижасини кўрсатди. Дарсларнинг жиҳозланганлиги ўз меҳнати учун шахсий маъсулиятни, меҳнат маданиятини тарбиялашда катга аҳамиятга эгадир. Агарда болалар ёмон жиҳозланган синфда, купол, оғир ва ёшларига номуносиб асбоблар билан шуғуллансалар иш натижалари кўнгилдагидек бўлмайди.

Агарда бола ҳар бир кадамда тартиблиликка, аниқликка риоя қилиш лозимлигига ишонч ҳосил қилинмаса, болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда муваффақиятга эришиш ҳақида гапириш кийин.

**Бошланғич -синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясаш  
технологиясини ривожлантириш**

Мактаблар	Тажриба ишлари ўтказилгунга қадар қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш (% Ҳисобида)	Тажриба ишлари натижасида ўқувчининг қоғоз ва картон ҳақидаги билимларни шакллантириш (% Ҳисобида)
1. Гулистон шаҳридаги 16- мактаб тажриба синифида	47	89
2. Гулистон шаҳридаги 9-мактаб назорат синифида	30 назорат қилинган гуруҳ	48
3. Гулистон шаҳридаги 8-мактаб тажриба синифида	32 эксперимент гуруҳ	85
4. Гулистон шаҳридаги 8-мактаб назорат синифида	35	41

Тажриба ишларидан олдин ва кейин бошланғич синф ўқувчиларининг дарс жараёнида қоғоз ва картондан нарсаларни ясашни шакллантириш ҳақидаги умумлашган қиёсий маълумотлар келтирилган. Юқоридаги жадвал таҳлили шундан далолат берадики, тажриба синфлари ўқувчиларнинг 80% дан ортиғи қоғоз ва картондан нарсаларни ясашни тўлиқ эгаллашган.

Биз олиб борган педагогик тадқиқот ишларида қоғоз ва картондан нарсаларни яшаш хақидаги тушунчалар, кўникмалар шаклланганлик даражасининг асосий кўрсаткичлари сифатида қараб чиқилди. Қоғоз ва картондан нарсалар яшашни шаклланганликнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари, шунингдек, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобига олинган ҳолда тажриба синовларидаги ўқувчиларни шартли равишда 3 та гуруҳга ажратдик. Бошланғич синф ўқувчиларида қоғоз ва картондан нарсаларни яшашни шаклланганлигининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини ифода этувчи жадвалдаги сонли маълумотларини таҳлил қилиб улардан тегишли хулосалар чиқариш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаландик. Бунинг учун «юқори», «Ўрта» ва «паст» даражаларни шартли равишда «5», «4» ва «3» балларга алмаштириб, уларни назорат гуруҳлари учун  $X$  ва тажриба гуруҳлари учун эса  $Y$  орқали белгиладик. Бу гуруҳлардаги ўқувчилар сонларини эса  $n$  ва  $m$  лар орқали белгилаб олдик. Демак тажриба бошида бу кўрсаткичлар бир – бирига яқин бўлган экан. Мехнат

таълими вазифаларни хақида гапирилганда, ўқувчиларда меҳнатсеварлик, маъсулият, интизомлилик, бурч ҳисси, жамоатчилик ҳисси тарбиялашни тилга олмаслик мумкин эмас. Шу билан биргаликда меҳнат одамлар тирикчилигининг моддий ва маънавий таъминотининг

воситаси, жамият тараккиётининг энг муҳим омилidir. Болаларни аклий ўстиришда ҳам меҳнат таълимининг роли кўп қирралидир. Меҳнат ўқувчиларнинг билим олишига интилишларини кўзгалувчи воситагина эмас, балки унинг манбаи хамдир. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни аклий ўстиришда жисмоний ва аклий меҳнатни алмаштириб туриш муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ ҳар қандай меҳнат хам аклий ўсишга ёрдам бермаслигини унутмаслигимиз керак.

**Бошланғич синф ўқувчиларида рангли қоғоз ва картондан нарсаларни  
ясашни миқдорий ва сифатий ўзгаришлари**

**Ҳақидаги умумлашган маълумотлар**

Синфлар Даражалар	Назорат гуруҳлари				Тажриба гуруҳлари			
	Тажриба бошида, 107 нафар бола		Тажриба охирида 104 нафар бола		Тажриба бошида 101 нафар бола		Тажриба охирида 98 нафар бола	
	На- фар	%	На- фар	%	На- фар	%	На- фар	%
Биринчи (юқори)	27	25,2	39	37,5	30	29,7	56	57,1
Иккинчи (Ўрта)	21	19,7	29	27,9	20	19,8	29	29,6
Учинчи (паст)	59	55,1	36	бош ланғ ич - ,6	51	50,5	13	13,3

Бу эса ўтказилган эксперимент натижаларининг тўғрилигини кўрсатди.

Республикада мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда. Анкета сировлари натижасига кўра тажриба ва кузатув гуруҳлари ўқувчиларининг кўрсаткичлари таҳлилининг охириги натижаси шуйидаги 3.4. жадвалда келтирилган.

Меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар ижтимоий ишлаб чиқарниш меҳнатига тайёрлашнинг илк босқичларини ўрганадилар. Бошланғич синфда ўқувчилар энг аввало фақат дарс машғулотларидагина эмас, балки бошқа дарсларда ҳам тўқнаш келадиган материаллар билан танишадилар.

Қоғоз ва картон билан ишлаш, газламага дастлабки ишлов бериш, турли материаллар билан ишлаш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ҳамда уй-рўзғор меҳнати ва шу кабилар билан танишадилар. Олиб борган тажриба-синов ишларимиз самарали натижаларни кўрсатди. Меҳнат дарсларида ҳар бир машғулотни шу методларни ПТ ни қўллаган ҳолда дарсни ташкил этиш кутилган натижаларни беради. Ўқувчилар дарсларда қоғоз ва картон билан ишлаганда унинг ясаиш технологиясини тушуниб олдиндан тайёрланиб борадилар.

## **УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР**

Ўзбекистон Республикаси ва кўпгина юксак тараққий этган давлатлар ўқув муассасаларининг тажрибаси таълим сифати ҳамда ўқув жараёнининг бошқа кўрсаткичларини такомиллаштиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим тизимининг энг объектив усулларида бири эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса бизнинг давлатимиз таълим тизимидаги педагогик технологияларининг янгиларини қўллаш имкониятларини кўриб чиқишни зарур бўлиб қолди.

1. Меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг мақсад вазифалари ишлаб чиқилди.
2. Меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг мазмун ва моҳияти ёритиб берилди.
3. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларни машғулотлар жараёнида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга

ўргатишнинг усуллари ишлаб чиқилди.

4. Тажриба-синов ишларида барча ўқувчиларнинг қоғоз ва картон тўғрисидаги маълумотлари текшириб борилди.

5. Тадқиқот натижалари ва хулосалари асосида қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

- замонавий талаблар ва фан-техника тараққиётидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ўз касбини онгли равишда тўғри белгилаш ва шу асосда тегишли билимларни пухта эгаллашларига эришиш.

- бошланғич -синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картондан нарсалар ясашга ўргатишнинг самарали тизимини яратиш.

- меҳнат дарсларида янги педагогик технологиялар орқали ўқувчиларни ёшларда соғлом турмуш тарзи ва ҳар томонлама баркамол этиб шаклланишига таъсир этувчи зарарли иллатлардан сақлаш.

Хулоса қилиб айтганда қоғоз ва картондан нарсалар ясашни ўқувчилар амалий машғулотлар даврида ўрганиб борадилар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон. 1998. - 686 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.-Т.: Ўзбекистон. 1999. - 37 б.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Шарқ. 1997. - 63 б.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Халқ мероси. 1993. - 224
5. Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат (ибратли сўзлар). - Т.: Фан. 1993.- 24.
6. Алметов Н.Ш. Ўқув-тарбия жараёнида халқ педагогикасининг

- имкониятларидан фойдаланиш. Чимкент. 1993. -89 б.
7. Амалий психологнинг иш китоби. ҒҒ У.А.Йўлдошев, М.Пўлатова, З.Кораев, И.Арипов. Навоий. 2000. - М.: 1987. - 18 с.
  8. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи. 1990. - 230 б.
  9. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. Институт проф. обр. Министерства Образования России. М.: 1995. - 336
  10. Воробьёв А.И. Меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. - Т.: Ўқитувчи. 1980. - 208 б.
  11. Давлатов К.Д., Чичков В.А. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш. - Т.: Ўқитувчи. 1978. - 144 б.
  12. Мавлонова Р. Ва бошқалар. Меҳнат таълими методикаси. - Т.: Ўқитувчи. 1986. - 248 б.
  13. Мавлонова Р. Меҳнат 3-синф Ўқувчилари учун дарслик. - Т.: Меҳнат. 1993. - 128 б.
  14. Мавлонова Р. Меҳнат. 4-синф Ўқувчилари учун дарслик - Т.: Меҳнат. 1995. - 160 б.
  15. Мавлонова Р. Меҳнат таълим методикаси қўланма ўқитувчи. 1986.
  16. Мактабдан ташқари таълимга ҳўйиладиган давлат талаблари ҒҒЎқувчи маънавиятини шакллантириш. Тузувчилар Ж.Фозилов, В.Султонов, Қ .Саидов. Т.: Маърифат - Мададкор. 2000.-135-149 б.
  17. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машқур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муқаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр . 1999.- -400 б.
  18. Меҳнат таълими методикаси (Д.А.Тхоржевский тақрири остида). Т.: Ўқитувчи. 1987.- 80б.

19. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари. Таълим тарахҳиёти. IV махсус сон. 1999.
20. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун дастур. Дастур. Таълим тарахҳиёти. IV махсус сон. 1999.
21. Миллий истихдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон. 2001. - 80б.
22. Очиллов З. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда касбга йўллашни шакллантириш: (Чизмачилик материаллари мисолида). - Т.: Ўқитувчи. -120б.
23. Педагогика. ғА.Ҳ.Мунавваровнинг умумий тақрири остида. – Т.: Ўқитувчи. 1996. - 200 б.
24. Попов Г.Х. Ўқувчининг шахсий ишини ташкил этиш. - Т.: Ўқитувчи. 1992. - 168 б.
25. Пошшаўжаева Т.М., Абдурахмонова Ш. Хизмат кўрсатиш Мехнати. 7 - синф учун ўхув хўлланма.-Т.: Ўқитувчи. 1994.- 112 б.
  
26. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиянинг моқияти. ғғ Ж.Халқ таълими .-1999.-№ 1.-97-102 б.

### **ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Боб кизлик. Лессон Планнинг, Лессон План Формац анд Лессон План Идеас.. [www. АДПРИМА сом.](http://www.АДПРИМА.com)
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. ҳтлп: // [www.липецк. ру /леги](http://www.липецк.ру/леги)



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 5141600-БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ  
ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА  
БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН Болтобоева Ёркинойнинг  
«Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар  
ясашга ўргатиш» МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА  
илмий раҳбарнинг берган

### Хулосаси

Республикамиз таълим тизими, жумладан умумтаълим мазмуни "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида босқичма-босқич янгилаб амалга оширилиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумтаълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарорига асосан таълим тизими мазмунини янгилаш, таълим оловчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари яратилди ва босқичма-босқич жорий этиб борилмоқда. Республикамиз мустақил бўлганидан сўнг таълим ва тарбия соҳасига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Айниқса бошланғич синф ҳатто мактабгача таълим муассасаларида ҳам табакалаб ўқитиш йулга қўйилди. Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири дарс самарадорлигини ошириш сифатини яхшилашдан иборатдир.

Ҳар бир дарс тарбиявий характерга эгадир. У ўқувчиларни ғоявий мафкуравий меҳнат маънавий ва жисмоний тарбиялаш бирлигини таъминлайди. Дарс давомида ўқувчиларда меҳнатга муносабат тарбияланади ва уларда меҳнат кўникмалари малакалари сингдирилади. Ўқувчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий фаолиятига касбни онгли танлашга тайёрланадилар. Дарсда ўқувчиларнинг чуқур ва мустақкам билимини эгаллаш жиддий қобилиятини ўстириш масалари хал этилади. Ҳар бир дарснинг ўқувчиларда диққатини жалб қилиш хотирлаш қийинлаш билиш

фикр юритиш асосий нарсани ажратиш хулоса ва умумлаштиришлар ўз ишини режалаштириш уни керакли суратда амалга ошириш имкониятларини кўра билиши керак.

Замонавий бошланғич таълим учун ўқувчиларни назарий маълумотлар билан қуроллантириш назарияси кейинчалик онгли эгаллаш учун замин хозирлаб бориш керак.

БМИнинг кириш қисмида унинг мақсади ,объекти,вазифалари ва бошқа жиҳатлари ёритилган. Ишнинг1-Бобида бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг педагогик асослари, 1-параграфида эса бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг ҳозирги ҳолати аниқланган. 1.2-параграфида қоғоз ва картонни саноатда ва турмушда қўлланилиши. 2-Бобида Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг шарт-шароитлари. 2.2-параграфида Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси, умумий хулосалар ва тавсиялар,Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ташкил этади. БМИ жуда яхши ёзилган ОАК талабларига жавоб беради. Ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар

п.ф.н.доц.П.Холматов

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 5141600-БОШЛАНҒИЧ  
ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ  
БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН Болтобоева  
Ёрқинойнинг «Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли  
қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш» МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ  
МАЛАКАВИЙ ИШИга берилган

тақриз

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш  
учун имкон берувчи, мукамал таълим тизимини яратиш, унинг  
самарадорлигини ошириш каби масалалар ташкил этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларига мувофиқ жамиятда  
кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий  
модел ўз моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга  
хизмат қилади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда белгиланган  
каби вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан,  
ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада  
мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим тарбия бериш, касбга ўргатиш,  
уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдани иборатдир. «Таълим  
тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан  
келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб  
чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёни таркибий  
қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу  
ташкилийпедагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос  
ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши,  
таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда  
ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши  
кузатилмоқда. | 1 |

Ушбу ўзгаришларнинг маълум қисми мавжуд дидактик  
ёндашувларнинг таркиби сифатида чиққан бўлса, яна бир қисми дунёдаги  
таълим тизими ривожланган мамлакатлар олимларининг педагогик

тажрибаларига суянган ҳолда пайдо бўлади. Илғор педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим соҳасига кириб келиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур.

Республикамизда мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда.

Аммо кейинги пайтларда бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлан умуман ёритилмаяпти. Ушбу муаммони қисқача баён этиш ва мазмуни ёритиш битирув малакавий ишини долзарблигини ташкил этади. Шу мақсадда талаба БМИ мавзусини “Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар яшашга ўргатиш” деб номлаган. **БМИнинг** кириш қисмида унинг мақсади ,объекти, вазифалари ва бошқа жиҳатлари ёритилган. Тажриба-синов ишларининг мазмуни ва уни ўтказиш методикаси, умумий хулосалар ва тавсиялар,Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ташкил этади. БМИ жуда яхши ёзилган ОАК талабларига жавоб беради. Ҳимояга тавсия этаман.

Такризчи

Нуралиева Н.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ 5141600-БОШЛАНҒИЧ  
ТАЪЛИМ ВА СПОРТ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ  
БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН Болтобоева  
Ёрқинойнинг «Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли  
қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш» МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ  
МАЛАКАВИЙ ИШИга берилган

### тақриз

Инсоният тараққиётининг барча давларида ижодий меҳнат башариятни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб келган шундай экан ёш авлодни ижодий меҳнатга ўргатиш уни ўз замонасининг энг илғор билимлари билан қуроллантириш барча давларда ҳамма халқлар учун энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини ташкил қилишда икки ўзора боғлиқ вазифани эътибога олиш лозим. Уларнинг биринчиси ўқувчилар ижодкорлик фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш билимларни эгаллашдаги интилувчанлиги, илмий дунёқарашинини шакллантирилиши билан, иккинчиси – ўзлаштирилган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллай олишда га ўргатиш билан белгиланади.

Ўзбекистон ўз илм-фани ва энг илғор техника ва технология тараққиётининг негизида умумбашарий кадриятлар миллий хунармандчилик, тарихий шарт-шароитлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий турмуш тарзи, миллий ўз-ўзини англаш, инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик ҳислатлари ётади. Бу ҳозирги кун барча ёшларни давр талаблари даражасида билимли, юксак ахлоқий салоҳиятли, жисмонан бақувват, маънавиятли етук сифатларга эга бўлган шахсларни тарбиялаш ўлкан вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Болтобоева Ёрқинойнинг «Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатиш» масалаларига

қаратилганлиги билан бошқа ишлардан ажралиб туради. БМИнинг кириш қисмида унинг мақсади ,объекти,вазифалари ва бошқа жихатлари ёритилган. Ишнингмазмунида алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Бошланғич синф меҳнат дарсларида ўқувчиларга рангли қоғоздан нарсалар ясашга ўргатишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

Бошланғич синф меҳнат дарсларида қоғоз ва картон билан ишлашга ўргатишнинг мазмун ва моҳиятини ёритиш.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини аниқлаш тўлиқ баён этилган, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ташкил этади. БМИ жуда яхши ёзилган ДАС талабларига жавоб беради. Ҳимояга тавсия этаман.

Гулистон шаҳар 16-мактабдиректори

Абдуллаева М

Бошланғич синф ўқитувчиси

